

Гиеҳванлик — иллат, деймиз. Аср вабоси, дея ёвуз оқибатлари ҳақида гапирамиз. Жойларда, ёшлар ўртасида тadbир, суҳбатлар олиб борамиз. Телевидение орқали ҳатто жонли мисоллар кўрсатилади. Шунга қарамай яна бу каби ҳолатларнинг учраши аянчли.

4 бет

Бугунги кунда ҳаётимизни рекламасиз тасаввур этиб бўлмайди. Лекин ҳар нарсанинг чегараси бўлгани каби, реклама ҳам ортиб кетганидан телевизор кўргинг ёки радио эшитгинг ҳам келмай қолади. Буни тартибга соладиган меъёр борми ўзи?

5 бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 8-sentabr, №36 (765)



Янги 2011-2012 ўқув йилида 9779 та умумтаълим мактабларида 4 577 072 нафар ўқувчи таълим олишни давом эттиришди, жумладан, бу йил 485 548 нафар бола 1-синфга қадам қўйишди.

2011 йилда жами 317 та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш амалга оширилди. Жумладан, 2011 йилда янги уй-жой массивларида 45 та янги мактаб қад ростлаган бўлса, 121 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 151 та мактаб капитал таъмирланмоқда.

Самарадорлик муҳим мезон

Алишер ТЕШАЕВ,
Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Навоий педагогика коллежи мажлислар залыда вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан тadbиркорлар, назорат қилувчи органлар, банк муассасалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Кармана туман ҳокимлиги масъул ходимлари иштирокда семинар-кенгаш ўтказилди. Семинар "Мамлакатимизда 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролар, жумладан, тadbиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кучайтириш" мавзусига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ўтган йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусида ҳамда жорий йилнинг 21 январда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил якунларига бағишланган йилгилишидаги маърузаларида прокуратура органлари амалга ошириши лозим бўлган вазифаларга устувор аҳамият берилди. Давлатимиз раҳбари "Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" номли маърузасида таъкидлаганидек, "Бош прокуратурага кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувни иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатида қарши қаратилган ҳаракат сифатида қўриб чиқиш ва ҳуқуқбузарликларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик нормаларини қўллаш вазифаси топширилади".

Прокуратура органлари кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлиқни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Республика Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, бу борада қабул қилинган Давлат дастурининг аниқ ифросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб, тadbиркорлик фаолиятининг ривожланиши йўлидаги маъмурий тўсиқлар, бюрократия ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини қўриб бормоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, вилоят прокуратураси органлари аҳоли ўртасида кенг қамровли тарғибот тadbирларини ўтказиб келмоқда. Шунингдек, амалга оширилаётган ишлардан аҳолининг мунтазам хабардор қилиб борилишини таъминлаш лозим. Бунда ОАВ имкониятларидан кенг фойдаланиш талаб қилинади. Шу йилнинг 7 ойи мобайнида 214 тарғибот тadbирлари ўтказилди, ОАВда 63 та, жумладан, матбуотда 16 та, радиода 21 та, телевидениеда 26 та чиқишлар қилинди. Бу эса фаолиятимизнинг ошқоралигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тарғибот тadbирларини кўпроқ чекка маҳаллаларда, қишлоқларда, фермер ҳўжалиқларида ташкил қилишга эътиборни қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Тadbирда кун тартибидеги масала юзасидан вилоят прокуратура органлари амалга оширган ишлар ҳусусида ҳам сўз юритилди.

Семинар-кенгаш иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан тайёрланган "Барчаси Сизнинг ҳуқуқларингиз ҳақида" номли буклет тарқатилди ва келгусида ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган тadbирлар белгилаб олинди.

Худди шундай тadbир Қизилтепа туман ҳокимлигида ҳам ўтказилди.

Обуна – 2012

Ҳурматли юртдошлар!

2012 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизда барча почта бўлиmlарида обуна бўлишингиз мумкин.

ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!

НАШР ИНДЕКСИ — 231

Демократик ислохотлар ва ОАВ

Жорий йилнинг 6 сентябрь кунли Матбуот ва ахборот агентлиги ва Мустақил босма ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида "Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари, сўз эркинлигини таъминлашга доир концептуал вазифалар ва уларни бажаришнинг устувор йўналишлари, ОАВнинг бу йўналишдаги ўрни" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ғули ХОЖИБОЕВА,
«Huquq»

лар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда очиқликни ҳамда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашдан ахборот эканлиги ҳам анжуман иштирокчилари томонидан алоҳида эътироф этилди.

Йилгилиш ақунида сўнгги йилларда мамлакатимизда ОАВни либераллаштириш йўлида кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилаётгани, шунингдек, Ўзбекистон миллий ахборот маконининг бугунги ҳолати ва унинг ривожланиш динамикаси мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг самарали ва изчил фаолият кўрсатиши учун кенг ҳуқуқий макон яратилгани, халқро ва замон талаблари асосида тақомиллашиб бораётгани юзасидан анжуман иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари ҳам тингланди.

Анжуманда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Бобур Алимов ва Мустақил босма ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг раҳбари Абдулазиз Абдуллаевнинг маърузалари тингланди.

Маърузачилар Республика Президенти Ислам Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш

ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг моҳияти ва ахборот соҳасини ислох қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, жамиятни ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Давлатимиз раҳбари томонидан ахборот соҳасини ислох этиш бўйича тақлиф этилган чора-тadbирларнинг асл моҳияти фуқаролик жамиятини барпо этишда ОАВ мустақил институт сифатида шаклланишини, сиёсий ҳокимият ва фуқаро-

Манфаатлар ҳимоя қилинди

Қонунлар ҳақ ва давлат манфаатларига хизмат қилади. Турли қонунбузарликлар содир этиш, қонунга риоя этмаслик жиноят содир этилишига олиб келади. Содир этилаётган жиноятларни таҳлил этадиган бўлсак, аксарият қисмини иқтисодий жиноятчилик ташкил этишини кўришимиз мумкин.

Жиззах вилоят прокуратураси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида иқтисодий ислохотларга тўсик бўлаётган қонунбузилишларни фожия этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Тергов қилинган 58 та жиноят иши 78 нафар шахсга нисбатан 39 таси айблов ҳулосаси билан таомилланди. Тегишли судларга юборилган жиноят ишлари натижасида давлат, жамоат ва фуқаролар манфаатларига етказилган 1 млрд. 730 млн. сўмлик зарарнинг ундирилиши таъминланди.

Кайд этилган даврда тергов қилинган бир қатор жиноят ишлари бўйича, пора олиш, бюджет маблағларини нақдлаштириш билан шуғулланувчи корхоналар, уларнинг пул манбаи аниқланди. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятини аниқлаш самарадорлиги оширилди. Жиноятнинг асосий иштирокчилари, ҳомийлари ҳамда уларга ёрдам кўрсатган ҳокимият, банк, солиқ ва бошқа муассасалар ходимларининг айбилик масаласи қатъий ҳал қилинди. Жумладан, Ёшбек Мухаммадиев Фориш туман ҳокими лавозимда ишлаб келиб, ўз мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда пора олиш жиноятини содир этган. У туманда фаолият кўрсатаётган "Фориш махсус савдо" МЧЖ раиси Турғун Суннатовдан унён махсусотларини аҳолига тарқатиш билан шуғулланиш ҳуқуқини бекор қилмаслик эвазига 3000 АҚШ доллари

талаб қилган. Қийин шароитда қолган Т.Сунатов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Оқибатда, Фориш туман ҳокими Ёшбек Мухаммадиев хизмат хонасида пора олаётганида ашёвий далил билан қўлга олинди.

Фуқаро З.Шодмонов яшаш уйи ертўласида 4570 кг. 1 млн. 528 минг сўмлик аммиакли селитра минерал ўғитини ҳеч қандай ҳужжатсиз сақлаб келган. Ушбу минерал ўғит "Қишлоқхўжаликимё" ҲАЖ Бахмал туман филиалидан сохта ҳужжат асосида олиб чиқилган. Тергов жараёнида 400 га яқин қалбаки ҳужжат асосида минерал ўғит махсусотлари сотиб олган фермер хўжаликлари раҳбарлари, автомашини ҳайдовчилари, Бахмал тумани ва Самарқанд вилояти Булунгур туманида яшовчи фуқаролар аниқланди. "Қишлоқхўжаликимё" ҲАЖ Бахмал туман филиали омборларидан 1 млрд. 333 млн. сўмлик турли хил турдаги минерал ўғитлар қамоқда борлиги маълум бўлди. 19 нафар айбдор шахслар жавобгарликка тортилди.

Шу каби "Зомин қурилиш инвест" ҳусусий фирмаси раҳбари томонидан 100 млн. сўм, Жиззах вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси директори томонидан 242 млн. сўм пул маблағларининг бир гуруҳ шахслар билан жиноий тил бириктирилиб талон-торож қилинганлиги аниқланди. Энди эса айбдорлар қилмишлари учун жавоб беришмоқда.

Жиззах шаҳар Давлат солиқ

инспекторлари О.Очилов ва бошқаларнинг фаолияти текширилганда, 2007 йил сентябрь ойидан 2009 йил октябрга ойигача "Жиззах қурилиш моллари бозори" МЧЖ ва "Ойбек савдо уйи"да фаолият кўрсатган ҳусусий тадбиркорлардан 101 млн. 739 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланмагани ва давлат манфаатларига жуда катта миқдорда зарар етказилгани аниқланди.

Бундан ташқари, Жиззах шаҳар Давлат солиқ инспекцияси участка солиқ инспектори О.Очилов, А.Иномов, Т.Шерматовлар иш фаолияти давомида бу ҳудудда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан қонунга хилоф равишда савдо фаолияти билан шуғулланиб келаётган тадбиркорларга "Агар ҳар ойда 40 минг сўмдан 100 минг сўмгача пул бериб турсангиз, сизларга имконият яратиб берамиз, акс ҳолда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, жавобгар қиламиз", деб таҳдид қилишган. Солиқ инспекторлари норасмий ёрдамчилари Ж.Сайфуллаев, З.Исроилов, Ф.Орипов, Х.Одиловлар орқали турли суммадаги пулларни пора тариқасида олиб келишган. Айбдор шахслар Жиноят кодексининг тегишли қисмлари билан жавобгарликка тортилди.

Қонун устувор юрда адолат барқарор бўлади. Бу эса ҳар бир фуқаронинг қонунларга риоя этиши, унга амал қилишида намоён бўлади. Қонунбузарликка йўл қўйганлар оқоридаги каби шахслар жиноий жавобгарликка тортилади.

Дийр ОДИЛОВ,

Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Гиёҳванлик — аср вабоси, дейишди. Ҳақиқатан ҳам бу инсониятни ташвишга солиб келаётган иллат. Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўзаро ҳамкорликда гиёҳванликка қарши кураш борасида муайян ишларни амалга ошириб келишмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида гиёҳванлик модаларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жами 43 та ҳолат аниқланиб, уларнинг барчаси бўйича жиноят ишлари қўзғатилган.

Гиёҳванлик — умр заволи

Қурбон АХМЕДОВ,

Навоий вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Содир этилган жиноятлардан 15 тасини гиёҳванд воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ўтказиш ва 28 тасини ўтказиш мақсадини кўзлаб олиш қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш жиноятлари ташкил этади.

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноятлари туман ва шаҳарлар миқолида таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг 12 таси Навоий шаҳри, 7 таси Кармана тумани, 6 таси Зарафшон шаҳри, Хатирчи ва Қизилтепа туманлари, 3 таси Нурота тумани, 2 таси Учқудук тумани, 1 таси Навбахор тумани ҳиссасига тўғри келмоқда.

Энди бевосита шундай жиноятларга тўхталадиган бўлсак. Зарафшон шаҳар ИИБ ходимлари шаҳар ҳудудида олиб борган тезкор тадбир давомида Р.Абрамов истиқомат қилдиган хонадон ҳолислар иштирокида қўздан кечirilганда, хонадаги жавон ичидан 8 дона гугурт қутисига келгусида сотиш мақсадида қадоқланган, соф вазни 32,6 грамм бўлган "марихуана" гиёҳвандлик воситаси топилди. Р.Абрамовнинг устамонлигини қарангки, у хонадонидagi гултувакларда 5 түп гиёҳвандлик ўсимлигини парваришлаб келаётган экан.

Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари олинган тезкор маълумотларга асосан Кармана тумани ҳудудидаги "Самарқанд" ИПХ масканида "Самарқанд-Навоий" йўналишида ҳаракатланиб келаётган Т.Муродов бошқарувидаги "Матиз" русумли автомашини тўхтатиб текширилади. Автомашинида йўловчи сифатида келаётган А.Чеботарёвнинг бош кийимидан 2 та қоғоз бўлагига ўралган, соф вазни 16,14 грамм бўлган "героин" гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланиб, ҳолислар иштирокида расмийлаштириб олинган.

Терговолди суриштирув ҳаракатларида А.Чеботарёв ана шу "героин"ни Т.Муродов ва Х.Юлдашевлар билан тил бириктириб, Самарқанд шаҳрида Фуқрат исмли шахсдан 1 млн. сўм эвазига сотиб олиб, келгусида ўтказиш мақсадида Навоий шаҳрига олиб келаётганлиги аниқланган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан Учқудук шаҳрида фуқаро Д.Сидоров шубҳага олинб тўхтатилади ва текширилади. Шунда унинг ёнидан бир дона гугурт қутисига жойлаштирилган, соф вазни 1,84 грамм "марихуана" гиёҳвандлик воситаси топилди. У бунни таниши А.Жаналиевдан 60 минг сўмга сотиб олганлигини билдирган. А.Жаналиев Учқудук шаҳридаги бохона биноси олдиди тўхтатилиб, шахсий тинтув қилинганда, чўнтагида гугурт қутисига солинган "марихуана" гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланган. Бундан ташқари, у шаҳардаги хонадониди 50 дона гугурт қутисига қадоқлаб, целлофан пакетга ўралган, соф вазни 133,44 грамм миқдоридagi "марихуана" гиёҳвандлик моддасини келгусида ўтказиш мақсадида сақлаб келаётганлиги аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олинган.

Терговолди текширувида сўралган А.Жаналиев ушбу гиёҳвандлик воситасини 2010 йил ноябрь ойида 3-ГМЗда ишловчи таниши А.Абдинабиевдан 1 млн. 500 минг сўмга сотиб олганлигини маълум қилган. Бу каби жиноятларга аёللарнинг ҳам аралашиб қолётганлиги кишида ташвиш уйғотади. Олиб борилган тезкор-тергов тадбирлари натижасида бу тоифадаги жиноятларни содир этган шахслардан жами 538,92 грамм гиёҳвандлик воситалари олинган.

Вилоят миқёсида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ҳудудда гиёҳванд моддаларнинг олиб келиниши, тарқатилиши, ўстирилиши, истеъмол қилиниши билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ҳамда гиёҳвандликка мубтало бўлган шахслар билан олиб бориладиган профилактик ишларни янада жонлантириш борасида тадбирлар амалга оширилмоқда.

Навоий шаҳридаги Спорт саройида, ўқув билим юрларида наркотик моддаларни назорат қилиш вилоят минтақавий комиссияси, вилоят ИИБ, "Қамолот" ЕИХ, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят наркология диспансери ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ёшлар орасида гиёҳвандликка қарши кураш шиори остида спорт ва мусикий тадбирлар ташкил этилди.

Асосий мақсад гиёҳвандлик жirkanан иллат эканлигини ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар онгига етказишга қаратилган. Ушбу масалада бундан кейин ҳам барча воситалардан фойдаланиш энг асосий вазифа бўлиб қолаверади.

Қонунни четлаб бўлмайди

Тўртқўл Қорақалпоғистоннинг жанубида жойлашган аграр туманлардан саналади. Бу ерда ҳар йили пахта ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан юқори ҳосил олиб келинмоқда. Тадбиркорлик ривож топаётган.

Тўртқўлликлар бу йил ҳам яхши ният билан 12 минг 400 гектар майдонга чигит экиб, 25 минг тонналик "оқ олтин" хирмонини бунёд қилиш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқдалар. Шу кунгача даладарда барча агротехник ишлар тўлиқ bajarилди. Экинлар минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантирилди. Аммо...

Туман прокуратураси томонидан ўтказилган мониторинг жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011 йил пахта етиштиришнинг прогност ҳажмлари ва ўзгани навлар бўйича жойлаштириш тўғрисида"ги Қарори талаблари тўла бажарилмаётганлиги маълум бўлди. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 4 та протест, 22 та тақдирнома киритилди, 14 та интизомий ва 106 та маъмурий ишлар қўзғатилди. 1123,7 млн. сўмлик етказилган зарарлар ихтиёрий ундирилиб, фуқаролик ишлари бўйича судга 84 млн. 368 минг 400 сўмлик 22 та даъво аризалари киритилди. 4 та жиноят иши қўзғатилди, 18 нафар фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак,

А.Дурдиев ОФЙ ҳудудидаги "Қалтаминорли Болтабой-Хамид" фермер хўжалиги бошлиғи Б.Мавлонов пахта майдони учун ажратилган ернинг 0,95 гектарига, Ўзбекистон ОФЙ ҳудудидаги "Сарвар Жалолиддин" фермер хўжалиги бошлиғи А.Фойибов 2 гектар ерга, "Қўқсув" фермер хўжалиги раиси К.Бобожонов 2,3 гектар, "Хива" фермер хўжалиги раиси К.Ибодуллоев 2,7 гектар ерга пахта ўрнига пиёз, сабзи ва бошқа экинлари қонунга хилоф равишда экканлар.

Айрим фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳаракати эса сизни таажубга солиши турган гап. Гўёки, давлат қонунлари уларга тегишли эмасдек. Мисол учун, Ўзбекистон ОФЙ ҳудудидаги "Ражаббой Якубовий хўт" фермер хўжалиги масъуллари 1,2 гектар пахта майдонини ўзбошимчилик билан 8 фуқарога шахсий иморат қуриш учун ажратиб беришган. Мазкур ҳолат бўйича айбдорларга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Ҳар биримиз қонун барча учун баробар эканлигини унутмаслигимиз керак.

Зафарбек САИДМАМУДОВ,

Тўртқўл туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Демократик тараққийт йўлини танаган ҳар қандай мамлакатда сиёсий ва ҳуқуқий маданият савияси демократик давлатга мос бўлиши лозим. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан яна бири фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдир.

Ҳуқуқий маданият фақатгина Конституция ва қонунарни билиш эмас, балки уларга амал қилиш, ҳурмат кўрсатиш ҳамдир. Фуқароларнинг бу бурчлари Асосий Қонунимизда шундай эътироф этилган: "Фуқаролар Конституция ва қонунарга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати хурмат қилишга мажбурдирлар."

Илмий адабиётларда фуқаролик жамиятига таърифлар жуда кўп бўлиб, уларда мазкур тушунчанинг мазмунини ёритилишида умумий қийинлик мавжуд эмаслигини кузатиш мумкин. Бир томондан бу табиий ҳол. Зероки, ижтимоий ҳодисалар қанчалик мураккаб характер касб этса, унга нисбатан турлича ёндашувлар, таърифлар ҳам шунчалик ортб боради. Бошқа томондан қараганда эса, фуқаролик жамияти қанчалик мураккаб ҳодиса бўлмасин, унинг умумий параметрлари ҳам мавжуддир.

Фуқаролик жамияти инсоният цивилизациясининг нодир кашфиёти, демократик тарақ-

Фуқаролик жамияти

уни барпо этиш эзгу орзۇмиз



Барно УМАРОВА,
Бош прокуратура
бўлим бошлиғи ўринбосари

қиятининг олий шакли, ўзига ҳос эркин ижтимоий макон сифатида муайян муҳитда ўз-ўзидан, ундан манфаатдор бўлган маънавиятли ва ҳуқуқий онги ривожланган фуқаролар иштирокисиз барпо бўлмайди. Шундай экан, бу жамиятнинг ривожини унинг ташкил қилиб турувчилар, хусусан, маънавий баркамол, жисмонан соғлом ҳамда ижтимоий фаол бўлган фуқароларга чамбарчас боғлиқ.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, "Мақсадимиз — демократик адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш. Бу бизнинг эзгу орзۇмиздир, стратегиямиздир". Ҳар бир фуқаронинг ёши ва жинсига қараб, табиий имкониятларини тўлиқ намоён этишга ва ундан тўла фойдалана олишга шароит яратиб бера оладиган жамият фуқаролик жамияти, деб аталади. Шундай экан, фуқаролик жамиятида ҳар бир фуқаро ўзининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳа-

лардаги қобилият ва имкониятларидан тўла фойдаланиши керак. Иқтисодий ислохотлар натижасида фуқаро ўз оиласининг фаровон турмуш даражасини таъминласа, сиёсий қобилиятидан фойдаланиб давлат бошқаруви жабҳаларида фаол қатнашади, тadbиркорлик ва ишлаб чиқариш билан шугулланиб оиласининг тўқинчилигини таъминлаб, давлатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Мамлакатимиз бугунги кунда демократлаштириш жараёнини ўз бошидан кечирмоқда. Ушбу жараёни амалга ошириш учун юртимизда барча ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омишлар мавжуд. Бу омишларни таъминлаб тарбия жараёни муҳим ўрин тутди. Чунки жамиятни тартибга солувчи ижтимоий регулятор бўлган ахлоқ ўз-ўзидан шаклланиб боради. Биз доимо бой маънавий меросимизни, урф-одат ва анъаналаримизни замон талабларидан келиб чиқиб, бойитиб боришимиз лозим. Ана шунда фуқаролик жамияти шароитида яшай оладиган ҳуқуқий онгли, етук фуқаролик муносабати шаклланиб ҳамда юксак

комил инсон тарбияси, шахс эркинлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари мутафаккирлар ва файласуфлар, тарихчи ва психолог олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Хусусан, қомусий олимлар Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг бу борадаги илмий дунёқарашларининг аҳамияти бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ.

Фуқаролик жамиятига ўтишда тарбия жараёни муҳим ўрин тутди. Чунки жамиятни тартибга солувчи ижтимоий регулятор бўлган ахлоқ ўз-ўзидан шаклланиб боради. Биз доимо бой маънавий меросимизни, урф-одат ва анъаналаримизни замон талабларидан келиб чиқиб, бойитиб боришимиз лозим. Ана шунда фуқаролик жамияти шароитида яшай оладиган ҳуқуқий онгли, етук фуқаролик муносабати шаклланиб ҳамда юксак

маънавиятли шахсларга эга бўламан.

Республика Бош прокурорининг 2005 йил 17 февралдаги "Прокуратура органларида кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш тўғрисида"ги 42-сонли буйруғининг қабул қилинганлиги ҳамда 2005 йил 7 апрелдаги 45-сонли буйруқ билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимининг касб одобномаси" ана шу эзгу мақсадлар йўлида қўйилган дастлабки қадамлардандир.

Мақсад эса соҳа ходимларини одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилган ҳолда, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, инсон ва унинг шаъни, қадриятларини виждонан ҳимоялаш руҳида тарбиялаш, прокуратура ходими деган шарафли номни оқлаш, унга содиқ қолиш, ходимлар ўртасида инсонпарварлик эътиқодини ривожлантиришдан иборатдир.

Мустақиллигининг ўтган 20 йиллик даврида мамлакатимизда амалга оширилган туб ўзгаришлар, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жамиятда демократик жараёнларнинг чуқурлашиб бориши эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш учун зарур шароитларни яратиб берди.

Зероки, фуқаролик жамияти эркинлик жамиятидир. Озодлик, ҳур фикрлик, ошқоралик, адолат, барқарорлик фуқаролик жамиятининг асосий қадриятларидандир.

Бинобарин, фуқаролик жамияти эркин ҳаёт, эркин шахс ва озод фуқаро демакдир.

Фахрийларга эҳтиром

Мамлакатимизда қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ишига катта ҳисса қўшган, прокуратура органларида филокорона меҳнат қилган, айни пайтда нафақага чиқиб, кексалик гаштини сураётган соҳа фахрийларига Республика Бош прокуратураси томонидан доимо чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб келинмоқда.

Бош прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ва Қашқадарё вилоят прокуратураси раҳбарияти мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари фахрийларини бир жойга қорлаб, дийдорлаштириш, бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қилиш ташаббуси билан чиқди. Ўтган жума кунини юқорида қайд этилган вилоятларнинг прокуратура фахрийлари Шахрисабз туман прокуратурасида йиғилдилар. Мазкур тadbир Шахрисабз шаҳридаги Темирийлар қадамжолари — Оқсарой, Кўкғумбаз жоме масжиди, Шайх Шамсиддин қуллол, Жаҳонгир Мирзо ва Гумбази Сайидон макбаралари ҳамда Амир Темур хилхоналарини зиёрат қилиш билан бошланди. Фахрийларимиз Соҳиб-

қирон бобомиз Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди. Шундан сўнг улар Китеб туманидаги Ҳазрати Башир зиёратгоҳида бўлишди.

Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ўртасидаги Тахтиқорача довоми табиати бетакрорлиги, тоғ манзараларининг мафтункор кўриниши билан азалдан машҳур. Шу боис бу ҳудудда экотуризмини ривожлантиришга, дам олиш-соғломлаштириш ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Довоннинг Қашқадарё ҳудудида вилоят ва республика аҳамиятига эга ўнлаб болалар оромгоҳлари, йирик қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг дам олиш-соғломлаштириш масканлари бор. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жамоасининг оромгоҳи ҳам шу гўшадда бўлиб қўйилган.

Меҳмонлар Тахтиқорача довои йўли бўйлаб кўтарилиб, табиятнинг сўлим гўшасида қурилган мазкур оромгоҳга қадм ранжида қилишди. Меҳнат фахрийлари ва меҳмонларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди.

Норбўта ҲОЗИЕВ
«Huquq»

Меҳмонлар оромгоҳнинг қурилиши, яшаш ва дам олиш учун яратилган шароитлари билан танишиб чиқишди. Ўзида замонавий дунё қурилиш коммуниқацияларининг энг сўнгги андозаларини мўжассам этган бино, бассейн, сауна ва майдончаларни, тартиб билан экилган мева ва манзарали дарахтларни кўриб, лойиҳачи, фоя берган ва унинг қурилишида бош-қош бўлганлар меҳнатига юксак баҳо берилди.

Тadbирини Қашқадарё вилоят прокурори Х.Турдибоев кириш сўзи билан очиб, меҳмонларни кутлуг сана — Республикаимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрами билан табриклади.

— Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсат тўғрисида мамлакатимиз тинч ва обод. Ватанимизда тинчлик-осойишталик ва қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, хусусан, прокуратура органлари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Бу соҳада узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилган фахрийларни қадрлаш, уларга ҳурмат кўрсатиш, оғирини енгил қилиш, қўлимиздан келадиган барча ёрдамни аямаслик, мана шундай қараш ва ҳаётий ёндашуви, айниса, ёшлар онги ва қалбига чуқур сингдириб боришимиз, Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорлиқнинг қадрига етишимиз, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашимиз зарур. Бунда биз аввало, Сиз фахрийлардан ўрнак олоғимиз даркор. Бу сифатлар ҳеч қачон аҳамияти ва қадрини йўқотмайди, балки авлоддан-авлодга ўтиб юксалиб бораверади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази раиси Б.Калоноева сўз берилди.

— Бош прокуратура раҳбарияти ва прокуратура фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази жамоаси номидан барчангизни Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйи билан қизгин табриклайман. Она-Ватанимиз янада гуллаб-яшнаверсин. Хонадонларингиздан фойз-барақа, тинчлик-тотувлик, дастурхонларингиздан тўкин-сочинлик арамсин. Йил сайин гуллаб-яшнаб, дунёда тенглар ичра тенг бўлаётган она-Ўзбекистонимизга, бунёдкор элимизга кўз тегмасиз.

Шуниқдек, Ботир Калоноев кексалар хolidан хабар олиш, меҳр-оқибат, сарҳоват кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу фазилат эканлигини, ўз навбатида, кексалар ҳам ёш авлоднинг ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар, умуминсоний қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат, келажакка ишонч руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётганликларини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази Сурхондарё вилоят бўлими бошлиғи Ж.Каримов, Бухоро вилоят бўлими бошлиғи С.Шодиев, Қашқадарё вилоят бўлими бошлиғи Б.Анваров ва Навоий вилоят прокуратураси фахрийси Н.Сафаровлар сўзга чиқиб, кўрсатилётган ҳурмат-иззат, эъзоз ва эҳтиром, оромгоҳда прокуратура фахрийлари ва ходимлари дам олишлари учун мукамал шароит яратганликларини учун шахсан Рашидхон Қодировга миннатдорлик билдиришди.

Прокуратура органларида фидокорона меҳнат қилган ва бугунги кунда ёш ходимларни ажодларимизга муносиб авлод қилиб тарбиялаш ишига беминнат ҳисса қўшаётган фахрийларга атаб байрамона дастурхон ёзилди. Дастурхон атрофида дилдан суҳбат қурилди. Суҳбат жараёнида мана шундай тинчлик, фаровонлик замонида етказганига минг бора шукр, бутун юртимиз обод, элимиз тинч, дастурхонимизда эса тўкин-сочинлик, илоҳим, юртимиз ҳамиша обод ва осойишта бўлсин, дейишди фахрийлар.

Тadbир сўнигда прокуратура фахрийларига тўн қийдириб, эсдалик совғалари топширилди.



Кулфатга мажумлар

Ўзининг аянчли оқибатлари билан нафақат шахс, балки жамиятга ҳам катта талофат келтирувчи иллатлардан бири бу гиёҳвандликдир. Гиёҳвандлик воситасининг истеъмол қиладигани ёки олам-сотаниси билан шугулланганими, у ким бўлмасин бир хиллаги ёвузлик сари олинмайдди. Атроф-муҳитга бефарқлик, ҳатто яқинларига-да кўрс ва кўпол муомалада бўлиш, ўзининг билмаслик, гоҳида эса руҳий кечинмаларга дучорлик ана шу оғу тўғайли ёпишди инсонга. Улар бу йўлга ўзларини ҳароб қилганлари қилиб зурриётларини, нечабало бегуноҳ норасидаларни ҳам ногирон-яримжонликка мажум этдилар баъзан. Қўйида биз сўз юритмоқчи бўлган воқеалар тафсилотларидан ҳам бу иллатнинг нечоғли аянчли эканини ҳис этиш қийин эмас.

Асқарнинг юриш-туришидан ота-онаси ташвишга тушиб қолганди. Муттасил маст ҳолатда юриши, на оилага, на жамиятга бIRON наф келтириш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаслигидан қуйинишарди. Унинг одамови бўлиб қолгани, жалдан гап-сўзларини тўғри ифода этолмай қолиши уларга ғайритабиий туюларди. Бир куни молхона тозалаётган ониси Розия ая қорғозга ўралган бир нарсга топиб олди. Ташлаб юборай деса керакли, зарурдай эҳтиётлаб ўралганди. Ая ҳайрон бўлиб рўпарада юрган чолини чақирди. Исмоил ота кўнглига келган гумондан қўрқиб кетди.

— Ўғлигичи тез-тез бу ерга кириб-чиқаверишида бир гап борга ўхшайди-да, хотин. Адашмасам бу... ёмон нарсасга ўхшайди.

Розия аянинг юраги ортига

тортди. У номи ҳам хунук бу нарсанинг оқибати ҳақида озмоз тасаввурга эга эди.

Эр-хотиннинг ўғилга қилган насиҳатлари, тергашлари бари осмонга кўтарилаётган тутун мисоли эди. Асқар ота-онаси билан ҳеч андишасиз жанжаллашар, улардан пул талаб қилар, уйдаги қўлга кирган нарсаларни олиб чиқиб, сотиб юборарди. Маст бўлиб келган эса... Бесабаб бақир-чақир, вазжохат барчаннинг тинчини бузар, "шер" бўлиб келган йигит қўлга тушган нарсани отиб синдирадди. Унинг жанжалларидан зада бўлиб, юрак олдириган ота-она шўрлик ўғилларига инсоф тилашдан ўзга чора топпмай қолишганди.

Қишнинг қировли кунида кўчадан маст ҳолда кириб келган Асқар одатдагидай тўполон бошлади. Бу сафар у... отасига қўл кўтарди, онасини нўқтаб ер

билан битта қилди... Бу кўргуликлардан қайғуга ботган Исмоил ота ўғли устидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига арз қилишга мажбур бўлди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳодимлари томонидан Асқарнинг ётоқхонаси ҳолис-лар иштирокида кўздан кечирилди ва 139,72 грамм "мари-хуана" гиёҳвандлик моддаси топилди. Бу кўриниб турганидай, кўп миқдорни ташкил қилди. Демак, гарчи А.Асқаров гиёҳванд модда савдоси билан шугулланмаганди, фақат истеъмол қилганман, деб қўрсатди, кўп миқдорни ташкил қилди. Шунингдек, А.Асқаровнинг нар-кологик касалликлар диспансе-ри ҳисобида турмаслиги, (ич-киликбозлик касаллиги 1-2-босқич) ўта кучли гиёҳвандлик-ка йўлиқмаганлиги ҳам буни тасдиқлайди. Унинг ўзи таъкид-лашча, спиртли ичимликдан сўнг бир палиросда гиёҳванд модда истеъмол қилди. Демак, бир сигарета пакчасидаги гиёҳванд модда бир-икки ойга етса, унинг уйдан топилган оғу салкам икки йиллик "дармон".

"Пул топиб бер", дея уйда тез-тез тўполон кўтариб турувчи бу йигитнинг шунча воси-тани ўзи учун сақлаб юриши-га ақл бовар қилмаслиги та-биий. Булар эса А.Асқаровни гиёҳванд моддалар олди-сот-диси билан ҳам шугулланиши-нинг яққол далилидир. Суд унинг қилмишини баҳолаб, ҳар томонлама ўрганиб, адолат та-розисига солди. А.Асқаров етти йил муқаддат озоликдан маҳрум этилди.

Худди шу каби наркотик моддалар олди-сотдиси билан шугулланган шахслардан яна бири Шерзод Атаматов эди. У муқаддам 4 бор судланган.

Учинчи судланганида 14

йилга озоликдан маҳрум қилинган эди. Сўнгра юртимиз-даги кечиримлилик, хато қил-ган шахсларга имкон яратиш тамойилларига кўра, амнистия актига асосан жазодан озо-д қилинган эди. Фақат Ш.Атаматов устидан бир йил муқаддатга маъ-мурий назорат ўрнатилди. Унга кўра, бу муқаддат ичида Ш.Ата-матов кеч соат 22:00дан эрта-лаб 6:00гача ўз уйдан кўчага ва туман ИИБ руҳсатсиз ту-ман худудидан ташқарига чиқ-маслиги лозим эди. Мантиқан ўйлаб қаралганда, жиноятчи сифатида бир неча бор қора қорсига ўтирган шахсга имко-ният берилиши бундан ортиқ бўлмас. Уни оқлаш учун эса ирода, ор ва гурур бўлмоғи лозим.

Ҳа, инсон ҳам сут эмган бан-да. Баъзан ишончнинг ҳам кўзига тупроқ тўлдиришга қодир. Шерзод ҳам шундай иродасизлик қилди, кеч соат 21:00 лар чамаси кўчага чиқиб кетди-ю яна ҳосиятсизликка рўбарў келди. У эски таниш-лари билан гиёҳванд модда-лар олди-сотди қилаётган пай-тда қўлга олинди.

— Укам назорат қоидалари-ча амал қилиб келаётганди,— дейди Шерзоднинг акиси минг ўқинч билан. — Унга биз ҳам ишонгандик, яхши томон-га ўзгараётганидан қувониб, уйлантириб қўйгандик...

Хали келин-кўвнинг қилла-лик даври охирламай, қувё яна қора курсида. Ш.Атаматовнинг сўнги қилмиши 11 йил му-қаддатли қамок жазоси билан ба-ҳоланди.

Худди шунингдек, яна бир ҳолат. Наманганлик Зокир Фай-буллаев ҳамда Фодур Данаев Кўкон шахрига автомобил эҳтиёт қисмлари учун бориш-ган эди. (Бу, албатта, уларнинг

Гўзал ШАРИПОВА,
Наманган вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

қўрсатмалари). Аммо негадир на машина бағажидан, на са-лондан эҳтиёт қисмлар чиқма-ди. Қайдам, балки уларга ке-ракли "мат" топилмагандир. Аммо шуниси қизиқли, йигит-лар Кўқондан қуруқ қайтишма-ётган эди. Уларнинг ёнидан со-тиш учун тайёрлаб қўйилган жами 10 та ўрамдаги 0,31 грамм, кўп миқдордаги "геро-ин" гиёҳвандлик воситаси то-пилди. Олиб боришган тергов-суриштирув ишларидан сўнг бу йигитларга ҳам қонун ўз сўзи-ни айтди. Уларнинг ҳар икки-си 10 йилдан муқаддатга озо-дликдан маҳрум этилдилар.

Гиёҳвандлик — иллат, дей-миш. Аср вабоси, дея ёвуз оқибатлари ҳақида гапира-миш. Жойларда, ёшлар ўрта-сида тадбир, суҳбатлар олиб борамиш. Телевидение орқа-ли ҳатто жонли мисоллар кўрсатилади. Шунга қарамай яна бу каби ҳолатларнинг уч-раши аянчли. Кўриниб турга-нидек, моддий манфаатдор-ликдан ўзга нарсга кўзига кўринмайдиган бундай шахс-ларнинг топгани, афсуски, ўз-ўзини, авлодини, жамиятнинг фаол кишилари бўлиши мум-кин бўлган ёшларни заҳар-лаш, фожиа сари етаклашга сарфланади, ҳолос. Буни эса ёвузлик, ваҳшийлик деб баҳо-лаш ҳам камдек.

Эртанги кунни нурафшон бўлишини истамган ота-она, фарзанд, маҳалла фаоли бўлмаса керак. Демак, янада хушёр, оғоҳ бўлиш лозим. Зеро, келажакнинг ёрқин бўли-ши бугунги кунимиздан бош-ланади.

Бекорчиликдан жиноятгача бир қадам

Фарзандларимиз ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етишишлари учун зарур шарт-шароитлар муҳайё этилмоқ-да. Ўқувчи-ёшларга замонавий ўқув қуроллари, дарсмиклар, интернет тар-моғига уланган компьютерлар билан жиҳозланган мактаб, коллеж ва ли-цейларга юқори малакали устозлар сабоқ беришмоқда. Кутубхоналар, фан ва касб-ҳунар тўғрақлари, ин-тернет тармоқлари, спорт иншоотла-ри ўқишдан бўш вақтларида билимла-рини бойитишлари, ақл-парокларини чархлаб боришлари, жисмоний чини-қилишларига хизмат қилмоқда.

Етимлар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг фар-зандлари, кам таъминланган оилаларнинг, ногиронларнинг, судла-ниб, жазони ўтаётган шахсларнинг бо-лалари виллоятдаги 3 та меҳрибонлик уйларида тарбияланмоқда.


3 та санатория типидagi мактаб-ин-тернатларда, 3 та сил касаллигига ча-линганлар санаторияларида 1250 на-фарга яқин болалар ҳам даволаниб, ҳам таълим олишлари учун зарур шароит-лар муҳайё этилган. 9 та махсус мак-таб-интернатларда кўзи ожиз, қулоғи оғир, ақли заиф вояга етмаганлар таъ-лим-тарбия олишмоқда.

Шунингдек, бириктирилган ўқитувчи-лар уйларига катнаб, ногирон болалар-га сабоқ беришяпти. Виллоят бўйича но-гирон болаларга ўтган йили 163 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Улар-

нинг 377 нафари техник мосламалар билан, шу жумладан, 126 нафари ара-вачалар билан таъминланди. 1109 на-фарига пенсия тайинланди.

Умумтаълим мактаблари битирувчи-ларининг барчаси коллеж ва лицейлар-да ўқишни давом эттиришмоқда. Афсу-ски, айрим ота-оналар болаларини мак-табга, коллежга ўқишга юбормай, пул ишлаб топишга жўнатишган. Таълим муассасаларининг ҳодимлари болалар ўқишни нега қолдиришаётганини сўраб-суриштиришмаган. Ўтган йили виллоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга ет-маганлар ишлари бўйича комиссия, виллоят прокуратураси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлиги-да дайди ёки бозорларда майда-чуйда сотиб ўтирган, аравача тортиб юрган болаларни ўқишга қайтариш мақсади-да 108 марта рейдлар ўтказилди. 1018 нафар ўсмирлар ўқишга қайтарилди. Уларнинг ота-оналари, мактабларнинг директорларига нисбатан қонуний чора-лар қўрилди.

Ножўя, номаъқул ишларнинг аксари-яти бекорчиликдан туғилади. Виллоят прокуратураси органлари тааллуқли идоралар билан ҳамкорликда битирув-чи ёшларни ишга жойлаштиришга ало-ҳида эътибор қаратмоқда. Ана шу ма-қсадда ўтган йили шахар ва туман мар-казларида 93 мартаба бўш иш ўринла-ри меҳнат ярмаркалари ташкил этил-ди. Уларда 4400 та корхона ва муасс-салар 25 мингдан зиёд вақант ва бўш иш ўринларига, қасаначилик асосида иш юритишга тақлиф билан чиқиди. Би-тирувчи ёшларнинг салкам 6 минг на-



фари ўзларига мақбул касб-корларига мос ишга жойлаштириш имкониятидан фойдаланишди. Шунингдек, ўтган йил июль ойи бошида виллоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамда виллоят проку-ратураси ташаббуси билан олий ва ўрта махсус билим юртларини битирган ёшларни ишга жойлаштириш мақсади-да "Меҳнат инсонни улғулайди" шио-ри остида ўтказилган меҳнат ярмарка-сида 212 та корхона ва муассасалар 1000 дан зиёд бўш иш ўринларини так-

лиф қилишди. 740 нафар ёшлар ўзла-ри эгаллаган касб-корлар бўйича ишга йўлланмалар олишди.

Ёшларга умуминсоний кадриятлари, миллий одоб-ахлоқ нормаларини, Ватанга муҳаббат, садоқат, туйғуларини сингди-риш, миллатлараро дўстлик ришталари-ни мустаҳкамлаш мақсадида виллоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари комиссияси, виллоят хотин-қиз-лар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимо-ий ҳаракати виллоят кенгаши ҳамкорли-гида "Келажак соғлом авлод қўлида" ши-ори остида ёшлар форуми ўтказилди. Йил мубайнида 48 минг нафарга яқин ўсмирлар виллоятдаги музейлар ва тари-хий қадамжоларга ташриф буюриб, Ва-танимиз тарихига оид билим доиралари-ни, тасаввурларини бойитдилар.

Шунингдек, ўсмирлар ўртасида тур-ли спорт мусобақалари ўтказиб бори-лмоқда. "Маҳалламиз болалари" спорт ўйинларида миллий спорт турлари бўйича мусобақаларда, "Футболмиз-келажакимиз" шиори остидаги белла-шувларда 8500 нафардан ортиқ бола-лар ўзaro куч синашдилар.

(Давоми 10-бетда/)

Мен кўп қаватли уйда яшайман. Тепа қаватла яшайдиган кўшнингнинг иккита ити бор. Итлар нечоғли ўргатилган бўлсада, болаларимни кўчага ўйнашга чиқаришдан қўрқаман. Чунки кўшнинг итларини кўчага сайр қилдиргани олиб чиқади. Анда итнинг кўп қаватли уйлараа сақлаш ва жамоат жойида сайр қилдириш мумкинми?

Қамола Саидова, Фарғона шахри

Ит сақлаш учун...

Кўп қаватли уйнинг алоҳида квартирасида кўшнингнинг ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилиги билан биттадан ортиқ бўлмаган итни ва битта мушукни сақлашга рухсат берилади.

Алоҳида уйда итларни сақлашга фақат боғланган ҳолда, эркин сайр қилдиришда — атрофи ўралган ҳудудда сақлаш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш Қоидалари"да белгиланишича, итлар очик жойларда сайр қилдирилганда ва турар жой биноларида итларнинг эгалари тинчлик сақланишини таъминлашлари — эрталаб соат 8:00 гача ва кечкурун 22:00 дан кейин итларнинг вовуллашининг олдини олишлари керак.

Итлар очик жойларда ёки махсус ажратилган майдонларда сайр қилдирилади, бу ерлар ҳар доим озода сақланиши керак.

Итнинг эгаси ит қочиб кетмаслиги, одамлар ёки бошқа ҳайвонларга ҳужум қилмаслиги чораларини кўриши зарур. Ит бўйинбоғига жетон маҳкамланган ҳолда етовда олиб юриб, сайр қилдириши керак. Жетонда итнинг лақаби, ит эгасининг манзили, телефон рақами кўрсатилиши керак.

Ит очик жойларда сайр қилдирилганда тумшукбоғда ва 2 метргача узунликдаги етовда, жамоат жойларида 1 метргача узунликдаги етовда бўлиши керак. Тумшукбоғсиз ва етовсиз фақат махсус ажратилган майдонларда сайр қилдиришга рухсат берилади.

Яқинда пахта мавсуми бошланади. Бунда, албатта, талаба-ёшлар билан бирга корхона ва ташиқлотларнинг ҳоимлари ҳам жалб этилади. Шундай мавсумда ҳомиладор аёлларни иш жойидан пахта теримига жалб этиш мумкинми?

Қамола Сатторова,
Сардоба тумани

Аёллар меҳнати

Амалдаги Меҳнат кодексининг 225-моддасида меҳнат шариоити нуқолай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳнатидан фойдаланиш, аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари тақиқланади, дейилади.

Аёллар меҳнати тақиқланган меҳнат шариоити нуқолай ишларнинг рўйхати ҳамда улар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган юк нормаларининг чегараси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йилнинг 5 январидан рўйхатда олинган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Аёллар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланган меҳнат шариоити нуқолай бўлган ишлар рўйхати" тасдиқланган бўлса-да, мазкур рўйхатда пахта теримига ҳомиладор аёлларни жалб этиш борасида норма белгиланмаган.

Меҳнат кодексининг 228-моддасида белгиланишича, ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат кодексининг 7-моддасига мувофиқ, мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир ҳазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади. Мазкур қондага риоя қилинмаслиги ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51-моддасига мувофиқ тарзда жавобгарликка тортишга асос бўлади.

ҲУҚУҚИЙ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки (8-371) 233-26-62 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўринсиз реклама

Бугунги кунда ҳаётимизни рекламасиз тасаввур этиб бўлмайди. Лекин ҳар нарсанинг чегараси бўлгани каби, реклама ҳам ортиб кетганидан телевизор кўринг ёки радио эшиттириш ҳам келмай қолади. Чунки энг қизиқ эшиттириш, кўрсатув бўлаётганида ёки кино кўриб турганида бирланига реклама ҳам кўпайиб кетади. Бунинг тартибга солинган меъёр борми ўзи?

Рустам Каландаров, Ўрта Чирчиқ тумани

Бор, албатта. Ўзбекистон Республикасида реклама билан боғлиқ фаолият, яъни реклама тайёрлаш ва тарқатиш "Реклама тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади. Хусусан, унда сиз тилга олган телевидение ва радиодаги рекламалар ҳам.

Қонуннинг 17-моддасида айтилишича, телерадиоташкилотлар учун рекламага ажратилган кўрсатув (эшиттириш) вақти кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ҳар бир соатига 10 фоиздан ошиб кетмаслиги керак. Бу талаб кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ихтисослаштирилган рекламавий каналларига таътиб этилмайди.

45 минутдан ортиқ давом этадиган концерт-томоша ва спорт дастурлари, кино ва телефильмлар реклама учун тўлиқ 45 минутлик вақт оралиғида кўпи билан бир марта узиб қўйилиши мумкин. Реклама бу кўрсатувларнинг (эшит-

тиришларнинг) бошланиши олдида ва улар тугаганидан сўнг жойлаштирилиши ҳам мумкин. 10 минутдан кам давом этадиган телекўрсатувларга (радиоэшиттиришларга) умуман, 10 минутдан ортиқ давом этадиган телекўрсатувларга (радиоэшиттиришларга) эса бу телекўрсатувларнинг (радиоэшиттиришларнинг) муаллифлик ҳуқуқи эгаси билан келишмасдан туриб, реклама жойлаштирилиши мумкин эмас.

Давлат анжуманлари ва маросимлари олиб кўрсатилаётган (эшиттиришларнинг) пайтда уни узиб, рекламани кўрсатиш (эшиттириш) тақиқланади.

Болалар даврасига (ўн тўрт ёшгача бўлганларга) мўлжалланган кўрсатувларда (эшиттиришларда) реклама тақиқланади. Бу тақиқ ижтимоий рекламани ахборотга таътиб этилмайди.

Дастурларнинг реклама

қисмлари товушини телерадиодастурнинг товушига нисбатан баландроқ қилиш тақиқланади.

Телекўрсатувлар намойиш этилаётганда реклама мақсадларида ҳаракатланувчи сатрлардан фойдаланиш тақиқланади, реклама берилётган пайтдаги ҳаракатланувчи сатрлар бундан мустасно.

Телекўрсатувларнинг бошловчилари, дикторлари ва бошқа қатнашчилари реклама учун ажратилган вақтдан ташқари пайтда махсулотни билатириб намойиш қилиш ёки унинг истеъмол хусусиятларини бевосита ёки бевосита тавсифлаш ҳуқуқига эга эмас.

Телевидение ва радио ҳодимларига ахборот ниқоби остида реклама билан шугулланиш, яъни махсулот ишлаб чиқарувчининг рекузитларини, жойлашган манзилини, телефон рақамини, махсулотнинг тижорат белгиларини кўрсатиш тақиқланади.

Истеъмолчилар ва унинг ҳуқуқлари...

Йилига бир марта таниқим хонандалар томонидан санъат саройларида концертлар бериб борилади. Лекин мен оаий бир тингловчи сифатида ўзимга ёққан хонанданинг шу концертда жонли овозини эшитаман десам, аксарият қўшиқларни фонограммага айтишади. Бу ҳолат истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузишга қирмайдами?

Ҳамидулла Жабборов, Гулистон шахри

Истеъмолчининг бундай ҳолатдаги ҳуқуқларининг бузилганлиги у танлаган хизмат туридан фойдаланганида бу ҳақда, яъни ушбу товар ёки хизмат тури тўғрисида олдиндан берилган маълумотга риоя қилинган ёки қилинмаганлигига боғлиқ. Чунки "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига қўра, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт. Бинобарин, театр-концерт тадбирлари ўтказилаётганда тадбир ташкилотчилари фонограммалардан фойдаланилиши тўғрисида ахборот беришлари лозим.

Бундай ахборот театр-концерт тадбирининг рекламаси, эълонлари, анонслари, афишалари, дастурларида реклама, эълон, анонс, афиша, дастур тилида жойлаштирилади.

Муддати борми?

Мен автомашинада кетаётганимда йўл ҳаракати қончасини бузган эдим. Бу ҳолат бўйича далолатнома тузилиб, ҳужжатлар сузга оширигач, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мен бундан норози бўлиб, шикоят ёздим. Лекин ҳайдовчилик гувоҳнома бўлмаса-да, талон ўзимда қолган. Айтингчи, ушбу талон амал қилаверадими ва қарор устидан қачонгача шикоят қилса бўлади? Шикоят берганда қарор ижро қилинадими?

Даврон Шарипов, Янгийўл тумани

"Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома"да қайд этилишича, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят шу қарорнинг нусхаси олинган кундан бошлаб ўн кун ичиде берилиши мумкин. Мазкур муддат узли сабаблар билан (касаллик, таътил, хизмат сафари ва ҳ.к.) ўтказиб юборилган тақдирда тегишли тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгач, устидан қарор чиқарилган шахснинг аризасига мувофиқ шикоятни кўриб чиқишга ваколатли бўлган мансабдор шахс

томонидан қайта тикланиши мумкин. Белгиланган муддатда шикоят бериш маъмурий жазо қўлланиши тўғрисидаги қарорнинг ижросини шикоят кўриб чиқилганга қадар тўхтаб туради. Маъмурий қамоқ жазоси қўлланиши тўғрисидаги қарор ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ундириб олинган жарима солиш ҳоллари бундан мустасно.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзида жазо бериш ҳақидаги қарорнинг ижроси тўхтатиб турилган ҳолларда талоннинг амал қилиш муддати шикоятни кўриб чиқиш тугагунга қадар узайтирилади.

Юк ёки одам?

Мен ҳар кун ишга автобусда қатнайман. Кўпинча эрталаб ишга шовиб турганингизда ё автобус тирбана бўлади ёки бўлмаса кимдир бир дунё юки билан чиқиб, жойини эгаллаб олади. Айтингчи, йўловчилар ташиш билан шугулланувчи бундай жамоат транспортида юкларни олиб юриш ва уларга ҳақ тўлаш бўйича тартиб қонда борми ёки юклар бепул олиб юриладими?

Ғайбулла Валиев,
Чилонзор тумани

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли қарори билан тасдиқланган "Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш Қоидалари"да белгиланишича, йўловчи ҳажми 60 см х 40 см х 20 см ва оғирлиги 20 килограммдан ортиқ бўлмаган кўп юки ҳамда мусика асбобини, 150 сантиметргача узунликдаги буюмларни, шунингдек қафасга солинган майда ҳайвонлар ва паррандаларни, аравачини (болалар, ногиронлар ва бошқаларнинг аравачаларини), майда богдорчилик инвентари, болалар қаналарини ўзи билан бирга бепул олиб юриш ҳуқуқига эга.

Ҳажми юқоридаги меъёрдан 100 см х 50 см х 30 сантиметргача бўлган ва узунлиги 150 сантиметрдан 200 сантиметргача бўлган буюмларни, шунингдек, ўлчамидан қатъи назар, оғирлиги 20 килограммдан ортиқ бўлган багажни олиб юриш тарифга мувофиқ ҳақ тўлаган ҳолда амалга оширилади.

Багажнинг жойланиши ва ташилиши йўловчиларга ва автотранспорт воситасига бирон-бир зарар етказиш имкониятини тўлиқ истисно қилиши керак. Шу билан бирга, багажни олиб юриш қўймади йўловчининг йўл ҳақи қўймади каби тартибда белгиланади.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб бери.

Бола манфаатлари



М.КУРБОНОВА,
Бош прокуратура бўлим
бошлиғи ўринбосари

Мамлакатимизда айна дамда катта шодийна — мустақил давлатимиз йигирма ёшга тўлди. Тарихан жуда қисқа давр бўлса-да, ана шу давр ичида тарих солномасида ўзига хос из қолдириб, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга улгурди. Давлатимиз раҳбари ва ҳукумати томонидан узоқни қўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат, қилинаётган ҳар бир ишнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланганлиги бунинг асосий омил бўлди, десак муболаға бўлмайди. Энг муҳими эса, қабул қилинган ҳар бир қонун, қонуности ҳужжатлари инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қилишга қаратилган нормалар билан бўйитилди. Республикаимиз Конституцияси ва қонунларида ёш авлоднинг ижтимоий шаклланиши ҳамда камол топиши, ҳуқуқий манфаатларини қафолатлаш учун шарт-шароитлар яратиш — давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан деб белгиланган.

Судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлимида асосий этибор фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда ота-оналик, уларнинг воёга етмаган фарзандлари тарбияси, таъминоти ҳамда воёга етмаган болаларнинг мулкий манфаатлари билан боғлиқ бўлган низоларнинг қонуни тўғрисида қилинишига қаратилган.

Оила кодексининг 73-моддасида ота-она ўз фарзандлари тарбияси ва камолоти учун жавобгарлиги белгиланган бўлиб, ота-она фарзандининг соғлиғи, жисмоний, маънавий ва ахлоқий камолоти тўғрисида гаҳмуҳрилик қилиши шарт, улар бошқа шахслар олдида болаларини шахсан тарбиялашда устунликка эгадирлар ва қонунга асосланган ҳолда ўшлаб турган ҳар қандай шахсдан қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар. Бироқ баъзи ота-оналар фарзандларининг манфаатларига эид хатти-ҳаракатлари содир эти-яптилар. Натижада воёга етмаган болалар қаровсиз қолиб жиноят содир этиш йўлига ҳам кириб кетаётган ҳолларга дуч келинмоқда.

Албатта, инсонни оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш шунчаки бир жараён эмас. Бу нафақат ҳуқуқидан маҳрум

қилинаётган шахс, балки бу каби ишни қўриб чиқишда фаол иштирок этувчи шахслар ва бунга алоқадор бўлмаганлар руҳиятига сезиларли таъсир кўрсатадиган ҳолатдир.

Оила кодексининг 80-моддасига мувофиқ, судларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишлар ота-онани биттаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг, прокурорнинг, шунингдек, воёга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юкланган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, воёга етмаган ишлари билан шуғullanувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасаларининг) даъво аризаларига асосан қўрилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида даъво қўзғатиш учун Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 79-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар мавжуд бўлиши шарт, яъни:

— ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа;

— узрси сабабларга кўра боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

— ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, муттасил ичкилик-бозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса;

— болаларнинг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса.

Боланинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ота-она томонидан қасддан жиноят содир қилиниши асосига кўра ота ёки онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга фақат суднинг ҳукми бўлгандагина йўл қўйлади.

Судга тақдим этиладиган даъво аризага уни қўзғатиш учун асос бўлган ҳолатларни тасдиқловчи қуйдаги ҳужжатлар илова қилиниши мумкин:

— болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари нусхалари;

— болаларнинг яшаш шароитлари тўғрисида далолатнома;

— халқ таълими бўлими, васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда воёга етмаганлар иши билан шуғullanувчи комиссиянинг ҳулосаси;

— ота-онанинг ёки улардан бирининг муттасил ичкилик-бозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлганлиги ҳақида тиббий муассасанинг маълумотномаси;

— ота-оналарга нисбатан тавсифнома; ота-она ёки улардан бирининг бола таъминоти учун алимент тўлашдан бўйин товланганлиги ҳақида суд қарори нусхаси;

— ота-онанинг ёки улардан бирининг болаларнинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилганлиги ҳақида суд ҳукми нусхаси;

— давлат божи тўғйрилганлиги ҳақида қитванция.

Бундай тоифадаги ишлар Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 131-моддаси 3-қисмига биноан фуқаролик иши судда қўришга тайёрлаб бўлингандан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўрилиши лозим.

Даъво ариза қўзғатилишидан олдин ота-она ёки улардан бири (ҳуқуқидан маҳрум этилаётган шахс) билан чуқур суҳбат ўтказиш, шу оила ашайдиган маҳалла жамоатчилиги таъсирини ўтказиш ёки воёга етмаганлар иши билан шуғullanувчи комиссияда муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда, ҳеч қандай жамоатчилик таъсир чораси қўрилмаганлиги даъвои рад этишга олиб келиши мумкин.

Судларда бу каби ишлар қўрилишида даъвои ким қўзғатганидан қатъи назар, Оила кодексининг 80-моддасига асосан, прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирок этиши шарт. Уларнинг иштирокисиз қўрилиб, қабул қилинган суд қарорлари қонунга хилоф бўлиб, бекор қилинишига олиб келади.

Ишда иштирок этган прокурор ўзи қўзғатган даъво бўйича даъвои қувватлидиган ва ФПКнинг 34-моддаси асосида ишда иштирок этувчи шахсларнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади. Борди-ю, даъвои бошқа органлар қўзғатган бўлса, қонун, иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатлар асосида прокурор низо юзасидан ФПКнинг 199-моддаси асосида ўз фикрини беради.

Ишда иштирок этган прокурор суд томонидан қабул қилинган қарорни (ажрим) қонунга хилоф деб ҳисобласа, бу қарорни бекор қилиш ҳақида юқори судга протест келтиради.

Мазкур тоифадаги фуқаролик ишлари қўрилишида иштирок этган прокурор ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслардан болалар таъминоти учун алимент ундиришига аҳамият бериши лозим. Алимент ундириш масаласи даъво аризада, албатта, акс этиши керак.

Бундан ташқари, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ишлари қўрилган, болалар кимнинг қарамоғида қолиши ке-

раклиги масаласини судлар муҳокама қилиши ва ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахснинг бундан кейин болалар билан бирга яшаш-ямаслиги масаласини ҳал қилиши шарт.

Амалда айрим ҳолларда судлар томонидан бу масала ҳал қилинмай, болалар номуносиб ҳулқи ота-оналари ёки уларнинг бири билан бир жойда яшайдилар. Бундай ҳоллар даъво аризаси ва суд процессининг самарадорлиги ва тарбиявий аҳамиятига таъсир қилади.

Оила кодексининг 80-моддасига асосан ҳал қилув қарори қонуний қучга киргандан кейин 3 кун ичида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборилади.

Ота-она ёки улардан бири ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилингандан болаларни фарзандликка беришга ҳал қилув қарори қонуний қучга киргандан кейин камида олти ойдан кейин йўл қўйлади.

Болани ота ёки онасига беришнинг имконияти бўлмаганда ёки ота-онанинг ҳар иккаласи ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, бола Оила кодексининг 81-моддаси 5-қисми асосида васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига олиб берилиши лозим.

Васийлик ва ҳомийлик органи Оила кодексининг 149-150-моддаларига биноан болани жойлаштириш шакллари танлайди. Яъни ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар бирор оилага фарзандликка берилиши; уларга васийлик ёки ҳомийлик белгиланиши; тутинган оилага берилиши; етим болалар ёки ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мулжалланган муассасаларга жойлаштирилиши; тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга тарбияга берилиши мумкин.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, агар улар фарзандликка олинган бўлмаса, қаерда яшайдиган қатъи назар турар жойга бўлган ҳуқуқини, ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган барча ҳуқуқларини сақлаб қолади.

Боланинг манфаатларига доир ишлар қўриб чиқилар экан, боланинг мулкий ҳуқуқлари ҳам эътибордан четда қолмаслиги муҳим. Чунки, бола ҳам Оила кодексининг 93-моддасига мувофиқ, қонунда белгиланган тартибда ҳусусий мулк эгаси бўлиш ҳуқуқига эга.

Воёга етмаган шахснинг бундай мулк турли йўллар билан юзага келиши мумкин. Жумладан, қонунда белгиланган тартибда ҳадя, мерос тариқасида олган мол-мулк, шунингдек, шахсий меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти натижасида ортирган мол-мулк уларнинг ҳусусий мулк ҳисобланади. Шу боис ҳам воёга етмаганларнинг мулкий манфаатларига эътиборсиз бўлмаслик, унга ҳақи ҳеч нимаи ҳал қила олиш даражасига етмаган шахс сифатида қарамаслик лозим. Чунки, у ҳам шу жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, у ҳам воёга етган шахслар қабил ўз мол-мулкларини ҳимоя қилиш учун ҳақли инсон. Бироқ, бунинг учун бунга масъул бўлган шахслар, тегишли давлат органлари бирдек эътиборли бўлишлари лозим.

Ҳеч ким четда қолмайди

Ж.ҚУЗИЕВ

Термиз шаҳар прокурори

Термиз шаҳар прокуратураси томонидан Президентимиз қарори билан тасдиқланган "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" деган ғояни ўзида муҳассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий ҳамда тарғибот ва ташвиқот ишлари дастурига мувофиқ, "Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият" мавзусида аҳоли ўртасида ҳуқуқий саводхонлик тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

Айни пайтда эртанимиз эгаларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, уларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини амалиётда қўллашга қўмак беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Термиз шаҳридаги 11-умумтаълим мактабиди 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида "Энг азиз, энг улуг қадриятимиз" мавзуларида иншолар қўриқ-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Шаҳардаги 14-умумтаълим мактаби фаоллар залида юртимиз ёшлари ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда ёшларнинг иштирокчини таъминлаш, ёш авлодда қонунларга ҳурмат билан қараш, она-Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялаш, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини қамайтириш мақсадида уюштирилган "Сиз қонунни биласизми?" қўриқ-танловининг ҳудудий ва шаҳар финал босқичи бўлиб ўтди.

Шаҳар прокуратураси прокурор-тергов ҳодимлари "Алишер Навоий" ва "Фарҳод" маҳаллаларида бўлиши, "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг роли" мавзусида давра суҳбатларини уюштирдилар.

"Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шiori остида Термиз шаҳридаги 12-сонли "Меҳрибонлик уйи"да шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят ва шаҳар прокуратураси ҳамда "Қамолот" ЕИҲ шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Яқинда шаҳар ҳудудидаги 30 та маҳалла фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари), таъкиллаётган ва фаолларидан иборат таркибда "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг роли" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда катнашган шаҳар прокуратураси ҳодимлари фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг ўрни ва роли ҳақида гапириб ўтишди.

Жамиятнинг демократия йўлида жадал ривожланиши, ўтказилаётган кенг қўламли ислохотларнинг муваффақиятли рўёбга чиқарилиши кўп жиҳатдан фуқароларнинг, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданияти юқори бўлишига боғлиқдир.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини таъминлаш: муаммо ва ечимлар

Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борадаги муаммоларни ўрганиш ва мавжуд қонунчиликни тақомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир. Бу бежиз эмас, зеро, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш жаҳоннинг кўпгина давлатларида кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг мамлакатимизга салбий таъсирининг олдини олишга қаратилган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш мақсадида институционал ислохотларни янада чуқурлаштиришни ҳам ўз ичига олади. Ушбу қулай имкониятлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иқтисодимизга салбий таъсирини камайтириб, тадбиркорларимизга янада барқарор ривожланиш учун кенг йўл очмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатловчи ҳуқуқий тизимни ислох қилиш узвий давом этмоқда, десак муҳолафа бўлмайди. Жумладан, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатловчи қонунларни ислох қилиш борасида бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, ушбу маърузада ислохотларимизнинг мантинки ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш, иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, тақомиллаштириш ва либераллаштиришга жиддий эҳтиёж мавжудлиги кўрсатиб ўтилиб, "бошқарув тизимини тақомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этиши, бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган руҳсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгиланган қўйиш, қонунда назарда тутилмаган ортиқча руҳсатнома ва руҳсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш зарур-

"лиги алоҳида вазифа қилиб белгиланган берилади. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунини янги тахрирда қабул қилиш вазифаси ҳам белгиланган берилади. Тадбиркорлик субъектларига эркин фаолият юритишлари учун тўлиқ ҳуқуқий асослар яратилган бўлса-да, баъзи ҳолларда бу қонун ҳужжатларининг ижроси тўлиқ амалга оширилмаслиги натижасида уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказилиб, эркин фаолият юритишларида тўқниқли қилинмоқда. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2011 йил 9 февралда "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор нazorатини кучайтириш тўғрисида"ги 87-сонли буйруғи қабул қилинди. Ушбу буйруқда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сийсатига зид ҳатти-ҳаракат сифатида баҳолаб, қоидабузарларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораларини қатъий қўллашга алоҳида эътибор қаратилиши белгиланди.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат олиб борилганда бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланган.

Жумладан, 2011 йилнинг 6 ойида 837 та тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари бузилганлиги, 169 та ҳолатда тадбиркорлик ҳуқуқларини поймол этувчи қарорлар қабул қилинганлиги, 90 та ҳолатда муножаатлар қонунда белгиланган муддатда қўриб чиқилмаганлиги, 60 та ҳолатда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги, 201 та ҳолатда ортиқча йиғимлар ундирилганлиги ва бошқа қонунбузарлик ҳолатлари вужудга келганлиги аниқланган.

Айрим ҳолларда эса, тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялаш, уларга эркин фаолият юритишлари учун яратилган қонунларнинг ижроси амалда ижро этилмаслиги, бу қонунлардан манфаатдор шахслар ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётганлиги сабабли тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказилган ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш, тадбиркорлик субъектларининг сўғурта компаниялари билан бўлган муносабатларида учратиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Сўғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 февралдаги "Ўзагросўғурта" давлат акциядорлик сўғурта компаниясини ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан "Ўзагросўғурта" давлат акциядорлик компаниясида ўтказилган текширув ақунларига қўра, бир қатор тадбиркорлик субъектлари билан тузилган шартномавий муносабатларнинг бузилганлиги аниқланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Сўғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-11 моддасига зид равишда компания томонидан 2008-2009 йилларда юз берган сўғурта

ходисалари бўйича 27 та фермер ҳўжаликларига 44 млн. сўмлик сўғурта товонини тўлаб бериш асосиз рад қилинган, 51 та фермер ҳўжаликларига эса, тўлаб берилиши лозим бўлган сўғурта товонлари микдори ноқонуний равишда 38 млн. сўмга камайтирилган.

Шунингдек, Ғўқаролик кодексининг 914-моддаси талаблари бузилиб, Зафаробод туманидаги 11 та фермер ҳўжаликларидан 16 млн. сўмлик сўғурта муқофоти шартномасиз олиниб, ноқонуний олинган ушбу маблағлар ҳўжаликларга қайтарилмаган. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузишга оид бундай ҳолатлар компания бошқарув раисини жавобгарликка тортишга асос бўлди ва прокурорлик назорати жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тиклаб берилди.

Прократура, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи орган ҳодимлари иқтисодий ислохотларга ҳуқуқий ёндашувларни таъминлаш мақсадида ҳўжалик юритувчи субъектлар ва бевосита тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб бормоқда. Чўнки, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги прокуратура, адлия ва бошқа давлат органлари вакилларининг ўзларига юклатилган вазифаларни қандай бажараётганлигига боғлиқ бўлиб қолди. Шундай бўлса-да, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки уларнинг вакили бўлган Республика савдо-саноат палатаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳамда бу борадаги бошқа мутасадди идоралар ўзларининг фаолиятларини кучайтириши лозим. Чўнки, тадбиркорлар ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ асосий муаммолардан бири уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслигидир. Ҳуқуқий онги, саводи юқори бўл-

Матлуба АМИНЖОНОВА,
Бош прокуратуранинг
ОЎҚ кафедраси бошлиғи

ган ҳар қандай тадбиркор ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олади ва бузилишнинг олдини олади. Бундай тадбиркорлар ўз фаолиятида ҳам қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўймасликка ҳаракат қилади. Шу тўғрисида савдо-саноат палатаси томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга доир тадбирларни қўллаб-ўқатиш мақсадаги мувофиқдир.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда учраб турадиган яна бир муаммолардан бири бу тадбиркорлик субъектлари билан тузилган шартнома мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилмаслигидир. Яъни топширилган махсуслотлар учун ўз вақтида белгиланган пул ўтказиб берилмаслиги натижасида унинг фаолиятига зарар етказилмоқда. Бу борада шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилувчи идораларнинг масъулиятини янада ошириш лозим.

Кишлоқ ҳўжалигида тадбиркорлик субъектлари бўлган фермер ҳўжаликлари ташкил этиш бўйича ҳам қатор муаммолар мавжуд. Бу муаммолар асосан фермер ҳўжалигига танлов ўтказишда танлов ғўлибларини аниқлашда ҳолисликни таъминлаш, талабгорлар ўртасида очик ва ошқора танловларни ўтказиш ҳамда ер участкаларини ажратишда комиссиялар томонидан адолат мезонларини бузилишига йўл қўйилганлиги билан боғлиқдир. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузишга қаратилган бундай ҳаракатларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш чоралари ҳамиша долзарб вазифа бўлиб келмоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш ҳамма даврларда ҳам жамият раванга, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда барқарор иқтисодиётни яратишга хизмат қилган. Зеро, тадбиркори бойиған халқ, албатта, бой бўлади.

Солиқ қонунчилиги ва ислохотлар

Кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни янада эркинлаштириш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, уларни ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш, давлатнинг назорат ва бошқарув органларининг корхоналар ҳўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш, текширишларни янада қисқартириш, ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун молиявий жавобгарликни либераллаштириш, тадбиркорлик субъектларини ҳисобот тизимини, фаолият юритишнинг лицензиялаш ва руҳсатномалар бериш тартибини соддалаштириш, умуман, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ва уларнинг эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит яратиш йўлида самарали механизм ва институционал тизим яратилди.

Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини тақомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг айнан уларни текшириш билан боғлиқ жиҳатини янада либераллаштиришга хизмат қилмоқда.

Фармоннинг биринчи бандида ўрнатилган тартибга мувофиқ, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бош-

лаб дастлабки уч йил мобайнида режалли солиқ текширишларидан ўтказилмайди.

Аммо акция солиғига тортилдиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар ўтказиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилаворади.

Маълумки, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир тадбиркор, у қайси фаолият билан шуғулланишидан қатъи назар, вақтдан ютишга ҳаракат қилади. Оворагачарини ва олиб бориладиган текширишлар давомида йўқотилган вақт унинг бизнесига, фаолият турини кентайтириш ва рақобат майдонида бемалол ҳалол беллашишга ҳалақат қилиши мумкин. Шу боис жорий Фармоннинг 1-банди сўнгги қўрсатмаси айнан мана шу масалалар қаратилди ва унда қуйидаги норма белгиланди: "Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш қўзда тутилган мақсимум муддатдан, яъни 30 календар кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди".

Фармоннинг иккинчи бандида назорат қилувчи идораларнинг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ваколатларини ҳар томонлама мустақамлаш ва уни замон талабларига мослаштириш масалалари ўз ичидини топди.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун ҳўжалик соҳасида солиқ этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик оғир-

лигини камайтириш 2008 йилдан амалга киритилган янги Солиқ кодекси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Сўнгги йилларда ҳўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 2005 йилдаги 13 фойздан 7 фойзга туширилиши ёки қарий 2 баробар камайтирилиши бўйича қўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик ривож учун катта имкониятлар туғдирмоқда.

Шу борада 2011 йилдан бошлаб бу қўрсаткичнинг 7 фойздан 6 фойзга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз томонидан ишбилармон ва тадбиркорларга берилган янги бир имтиёз бўлиб қолди.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш ва тадбиркорлик субъектларининг янада ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш биринчи қалдаги вазифамиз ҳисобланади.

Биринчидан, назорат-текширув идоралари ҳодимлари ва мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда хизмат ваколати доирасидан четга чиқиб, суиистеъмолчиликларга йўл қўйиш каби ҳўлатлар солиқ этилганлиги аниқланганда, зудлик билан уларга нисбатан жиноят иш қўзғатиш масаласини қўриш керак.

Иккинчидан, назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийликка риоя этилиш устидан текширишни асосан қўйиладиган уч босқичда амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

— назорат қилувчи органлар фаоли-

Фарҳод ҚУРБОНОВ,
Жарқўрган туман прокурори

тини тартибга солувчи, уларнинг назорат соҳаси ва ваколатини белгиллаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиш;

— назорат қилувчи органларнинг ўзлари томонидан мавжуд қонунчиликка риоя этилишини текшириш;

— жисмоний ва юридик шахсларга, энг асосийси, тадбиркорларга нисбатан қўлланилган ҳуқуқий таъсир чораларининг қонунийлигини текшириш. Бунда асосий эътиборни молиявий жарималар, фаолиятни тугатиш, тўқатиш, маъмурий жавобгарликка тортиш масалаларига қаратиш зарур.

Учинчидан, Фармондан келиб чиқиб, ҳар бир туман прокуратурасида янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг аниқ рўйхатини олиб бериш ва уларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида уларга нисбатан режалли солиқ текширишлари ўтказилмаслиги юзасидан назорат олиб бериш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда бу борада олиб бориладиган барча ишлар, энг аввало, инсон ва у яшаб турган жамият тарққиёти учун қилинмоқда. Шундай экан, бунинг учун барчамиз фаоллик қўрсатишимиз ва эзгу ишларга бефарқ бўлмаслигимиз даркор.



Жанубий Корея Республикаси шимолий-шарқий Осиёдаги ярим орол давлат. Ҳудуди 98480 кв.км.ни ташкил этиб, аҳолиси 50 млн. дан ортиқ, пойтахти Сеул шаҳри. Аҳолиси эса 10 млн. дан ошади.

Корея нефть ҳамда табиий газ ресурслари га эга эмас. Чекланган микдорда кўмир, графит, вольфрам каби табиий бойликларга эга бўлса-да, аммо иқтисоди ривожланган 10 давлатдан бири ҳисобланади. Кореяда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кенг ривожланган. LG ҳамда Samsung компаниялари томонидан ишлаб чиқариладиган электрон технологиялар дунёга машҳур. Айниқса, Hyundai машинасозлик ҳамда кemasозлик заводлари саноатда етакчи ўринга эга. Биргина Hyundai машинасозлик заводи кунига 5 минг дан ортиқ машина ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Жанубий Корея Республикасида миллдан аввалги 2333 йилда дастлабки қироллик ташкил топган. 1392-1910 йилларда Чо-сун қироллиги Корея тарихидаги сўнгги қироллик сулоласи бўлди.

1948 йилда Шимолий ҳамда Жанубий Корея икки мустақил давлат сифатида ташкил топди. 1950-1953 йилларда Жанубий ва Шимолий Корея уруши икки давлатга ҳам жуда катта талофат олиб келди. Бу вақтда мамлакат жуда қашшоқ аҳволга келиб қолди. Аммо 1962 йилга келиб, Корея иқтисодиётида иқтисодий ўсиш бошланди. Бунда Корея халқининг фидойилигини ва мамлакат тараққиёти учун кучли истак ва меҳнатни алоҳида қайд этиш лозим.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий Корея Республикалари ўртасида иқтисодий, таълим ва маданият соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик кенг ривожланмоқда. Жумладан, 2011 йилнинг 22 июнидан 7 июлига қадар Жанубий Корея Республикасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги ҳамда Жанубий Корея Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий тадқиқотлар ва таълим институти билан ҳамкорликда "Ҳуқуқий тараққиёт" мавзусида инглиз тилида халқаро ўқув курси ўтказилди. Мазкур ўқув курсларида жазонинг 15 мамлакатидан жами 21 нафар иштирокчи қатнашди.

Мазкур халқаро ўқув курсида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Халқаро бўлими катта прокурори Феруз Очиллов билан биргаликда иштирок этиди. Ўқув машғулотида Корея тарихи, жамияти ва маданияти, Гендер ва тараққиёт, гиёҳвандликка оид жиноятлар ва унга қарши курашда халқаро ҳамкорлик, Корея прокуратураси тизими, компьютер жиноятчилиги, жиноятларнинг олдини олиш ҳамда Корея жазони ижро этиш муассасалари бошқаруви, ахборотлаштирилган тизим асосида судда жиноят ишларини юритиш, қонун устуворлиги ҳамда иқтисодий ривожланишнинг ҳуқуқий асослари

мавзуларида маърузалар ўқилди.

Корея ҳуқуқ тизимига эътибор берсак, Корея роман-герман ҳуқуқ тизимидан Америка ҳуқуқ тизимига ўтмоқда. Жумладан, 2008 йилдан суд маслаҳатчилари институти киритилди. Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ҳам давом этмоқда. 2012 йилдан судья бўлиш учун 10 йил юридик соҳада хизмат қилган бўлиши кераклиги ҳақидаги талаб суд қонунчилигига киритилмоқда. 2011-2017 йилгача судларнинг қуйидан юқорига бўйсунгани бекор қилиш ҳақидаги қондани киритиш юзасидан ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўқув машғулотида ушбу қонданинг киритилиши судларнинг мустақиллигини



таъминлашга хизмат қилади, деб таъкидланди.

Жанубий Кореяда 2200 судья ҳамда 1700 нафар прокурор фаолият юритади. Барча жиноят ишлари юзасидан тергов назорати прокуратура томонидан амалга оширилади. Қамоққа олишга санкция бериш судлар томонидан прокурор илтимосномасига асосан берилади. Прокуратура ўз фаолиятида мустақил бўлиб, Бош прокурор мамлакат президенти томонидан тайинланади.


Таъкидлаш лозимки, Жанубий Корея Республикасида Жазони ижро этиш муассасалари Адлия вазирлиги тизимида бўлиб, жами 15 227 ҳодим фаолият юритади.

Статистик маълумотларга кўра, рецидив жиноятчилиги 52,2 фоизни ташкил этади. Бу эса ўз навбатида, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни тарбиялаш борасида янги механизмларни жорий этишни талаб қилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, Кореяда маст ҳолда автотранспортни бошқарганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган ҳамда мазкур ишлар ахборотлаштирилган жиноий судлов иш юритиш орқали амалга оширилади. Яъни бунда жиноят содир этган шахслар ўз ариза ёки шикоятларини ахборотлаштирилган тизим орқали суд биносига келмасдан беришлари мумкин. Суд ҳам ўз навбатида ҳукми жи-

ноят содир этган шахсга ахборотлаштирилган тизим орқали жўнатиши мумкин. Бу тизимнинг афзаллиги вақтни ва ортиқча сарф-харажатни тежайди.

Кореяда давом этган икки ҳафталик ўқув курсларида ҳуқуқий билимларни бойитиш билан бирга, Кореянинг диққатга сазовор жойларига ҳам экскурсиялар уюштирилди. Экскурсия чоғида биз ҳам мамлакатимизнинг бой тарихи, унда амалга оширилаётган ислохотлар, мамлакатимизнинг гузаллиги ва мафтункор табияти, меҳмондўст халқи ҳақида гапириб бердик. Барча халқаро ўқув курси иштирокчилари мамлакатимизга сайёҳ сифатида келиш истагини яширишмади.



номи ёзиб олинган тасма орқали йўловчиларга 3 та тилда (корейс, япон, инглиз) етказилади.

Айтиш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда йўловчи ташиш транспортининг барча тармоқлари кенг суъратларда ривожланмоқда. Айниқса, темирйўл транспорти соҳасида тезюзар "Афросиёб" электропоезди қатновининг йўлга қўйилиши мамлакатимизда бу соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг самарасидан далолат беради. АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчисининг, Ўзбекистон бу соҳада АҚШдан ўзиб кетди, чунки АҚШда ҳам бундай юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар мавжуд эмас, деган эътирофи кишига ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Албатта, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди. Доимо ривожланиш ва янгиланиш давр талаби ҳисобланади. Жумладан, метрополитендан фойдаланиш қулайлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги таклиф-мулоҳазаларни илгари сурмоқчимиз.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизга йилига тахминан ўрта ҳисобда бир миллионга яқин хорижий меҳмонлар (сайёҳлар) ташириб буюрилади. Табиийки, аксарият сайёҳлар Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент метросига тушилади. Метрополитен харитасига эътибор берсангиз, 3 та йўналиш йўллари мавжуд. Жумладан, Чилонзор йўли — қизил рангда, Юнусобод йўли — яшил рангда ҳамда Ўзбекистон йўли — кўк рангда белгиланган. Аммо бекатларда ҳар бир йўналиш йўли метрополитен харитасидаги каби ранглар билан ажратилмаган. Масалан, харитада Чилонзор йўли қизил ранг билан белгиланган бўлса-да, ушбу йўл бекатларида асосан бекатларнинг йўналиш номлари кўк ва оқ рангда ёзилган. Ўзбекистон йўли харитада кўк рангда берилган, аммо Алишер Навоий бекатидаги ёзувлар яшил ва оқ рангда ёзилган. Албатта, биз

ҳар куни метрополитен хизматида фойдаланганимиз учун қайси рангли ва қайси номли метро йўлида эканлигимизни биламиз. Аммо хорижий меҳмонлар бунни билишмайди. Чунки метро бекатлари метрополитен харитасидаги каби ранглар билан аниқ ажратилмаган. Фикримизча, метро бекатлари йўналишлари ранглар билан ажратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, бугунги кунда Тошкент шаҳри дунёнинг машҳур пойтахт шаҳарларидан бири ҳисобланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимизда туризм кенг ривожланыпти. Шунга асосан, метрополитен бекатлари номларининг инглиз тилида ҳам ёзилиши, шунингдек, йўловчиларга кейинги бекат ҳақидаги маълумот ҳам ёзиб олинган тасма орқали инглиз тилида етказилиши хорижий йўловчилар учун ҳам янада қулайлик яратган бўлар эди, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, Жанубий Корея Республикасида икки ҳафта давом этган халқаро ўқув курсларида олинган билим ва тажриба иш фаолиятимизда ўзининг ижобий самарасини беради, деб ишонамиз.



Фирибгар тузоғига илинганлар

Бугун инсоният шиддатли бир даврда, одамзот ақли ва тафаккур кучи тобора улкан чуққиларни забт этаётган замонага яшамокда. Шу билан бирга, ҳаётимизда айрим ижтимоий муаммолар ҳам юзага келдики, улар бутун жаҳон аҳлини хавотирга солаётгани бор гап. Ҳозирги кунда глобал тус олаётган бундай муаммолардан бири одам савдосидир. Ер юзидagi ҳеч бир давлат қонунлари, халқаро ҳуқуқий меъёрлар одам савдосига йўл қўймайди ва уни қатъиян тақиқлайди.

Деҳқонбой АБДУЛЛАЕВ,
Қамаши туман прокурори

Маълумки, муқаддас китобларда ҳам нопок йўл билан топилган пулнинг ҳаром эканлиги, уни нафақат болаларга едириш, балки оstonадан уйга олиб кириш ҳам катта гуноҳ эканлиги айтилган. Айниқса, Исрол динида бу қилмиш қатъий қораланади.

Муствақиллик йилларида одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Аввало, бу даврда одам савдоси жиноятларида барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Давлатимиз одамларнинг нолегал трафигига қарши ва унинг қурбонлирини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди. Шу пайтгача кўз қўриб, қулоқ эшитмаган жиноятнинг олдини олиш мақсадиди бу ишга давлат ҳамда жамоат муассасаларининг катта қисми жалб қилинган. Шундай бўлса-да, ҳар доим ҳам бундай қабих жиноятнинг олдини олиш имкони бўлаётгани йўқ.

Вақоланки, одам савдоси инсоният фаолиятидаги энг шармандали ҳол. Фақат қабих ниятли кишиларгина ана шундай тубан ишга қўл урадилар. Хайрон қолсан киши. Халқнинг нафратига сазовор бўлган одам бу дунёда қандай яшайди? Қавм-қариндошлари орасида қандай қилиб бош кўтариб юради? Фарзандларини бир умрга лаянат ботқонига ташлаб кетмайди? Оқи оиласи ва фарзандлари ҳам бу нопок ишга шерикми?

Қамаши туманининг Дўнг-Куба, Ойнакўл, Янгиҳаёт, Утепа қишлоқлари ҳамда туман марказидаги баъзи маҳаллаларида одамлар бир-бирларига ана шу саволларни беришар, таажуб бўлишар экса ушларарди. Тубанлик ботқонига ботган ва виждонини пулга сотган Нави Қўшшаев ким эди у? Унинг таржimai ҳоли тўғрисида дастлабки тергов ҳужжатларида, жумладан, қуйидаги маълумотлар бор:

“Қўшшаев Нави — 1953 йилда Қамаши туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта. Оилали, 5 нафар фарзанди бор. Муқаддас судланмаган. Ҳеч қарери ишлаймади...”

Келинг, воқеалар тафсилоти охиригача гапдан бошлайлик: Нави Қўшшаев ҳеч қасрда ишламасди. Унинг фикрича, бирор жойда ишлаш шарт ҳам эмасди. Ҳаром йўл билан пул топишнинг усуллари кўп: алдамчилик, ўйрилик, товламачилик ва ҳоказо. Нави бўлган-да ёмонроқ жиноят йўлини таниди. “Мен одам савдоси билан шуғулланаман”.

Бу фикр турмуш ўртоғи Н.Қурбоновга ҳам маъқул тушди. Уларнинг уч нафар ўғли Россиянинг Ставрополь шаҳрида ёлланиб ишларди. Нави қишлоғи ва қўшни қишлоқлардан одам тўплаб, ўғли Равшаннинг қўлига топиштириш ниятида ишга киришди. Натияжа кўп бўлмади. Туманинг Дўнг-Куба қишлоғида яшовчи Шавкат Кенжаев исми йўлчи биринчи бўлиб тузоққа илindi. Шундан сўнг, Ойнакўл қишлоғидан Жасурбек Жумаев, Икром Намаев, туман марказининг Нодира қўчасида яшовчи Илҳом Жовдиев, Олим Жовдиев, янгиҳаётлик Тўлқин Арзи-

ев, Утепа қишлоғидан Урал ва Даврон Сафаровлар ваъда қилинган яхши шaroит, ётоқхона, текин овқат ва ойига 200 АҚШ доллари учиб, таклифга дарҳол розилик билдирдилар.

Одамларнинг алдовга осонлигига учини Нави Қўшшаевни руҳлантириб юборди. Ўзбекистон-Қозғоғистон давлат четарасидан олиб ўтилган йигитлар Россиянинг Ставрополь шаҳрига етиб бордилар. Уларнинг паспортлари олиб қўйилиб, қурилишда гишт терувчи, бетон қорувчи, сувочилик каби ишларга жалб қилинди. 2010 йил июнь ойининг охиригача, икки ой ишласалар-да, бир тийин ҳам тўланмади. Ота-она бағридан, уй-жойидан кетиб, овир шaroитларда кунига 15 соатлаб меҳнат қилган йигитларнинг жами 3250 АҚШ доллари миқдоридagi иш ҳақини Нави Қўшшаев ўз чўнтағига урди.

Йигитларнинг қадок қўллари, гезарган лаблари, умид билан қиб турган кўзларига қараб, балки Нави Қўшшаевнинг озгина бўлса-да виждони қийналгандир, деган ўйга боришингиз мумкин. Мутлақо ундай эмас. Аксинча, у жиноий ҳаракатларини янада кучайтирди. Турмуш ўртоғи Н.Қурбонова ва бошқа шериклари билан тил бириктириб, янги кучгайрат билан яна Дўнг-Куба қишлоғига йўл олди.

Бу дунёда лақмалар десак, балки ноўрин бўлар, солдалар кўп. Н.Қўшшаев айнан ана шундай ёшларни изларди. Нимасини айтасиз, унинг ови бориридан келди. Бу сафар Шерали, Рустам, Абдусаттор, Шерали Бозоров, Бозор Умиров, Абдулла Абдурахмонов каби солдаларни Ставропольга жўнатиб юборилди. Бу гуруҳнинг ҳам 2700 АҚШ доллари миқдоридagi меҳнат ҳақлари тўланмади.

Яна ўша алдов: ётоқхона, яхши яшаш шaroити, текин овқат ва 200 АҚШ доллари миқдоридagi маош. Бу алловнинг солдаларига энг маъқул бўлган томони Ставрополда бориш-келиш йўли пўлнинг савоатгашега Нави Қўшшаев томонидан тўланиши эди. Устакорликни қарангки, ҳар қандай одам ҳам “бориш-келиш” текин экан, нимасини уйлайман, деб дарҳол рози бўлиши Нави Қўшшаев томонидан тайёрланган “Одам савдоси” дастурининг энг самарали томони эди.

Судда кўп сонли жабранувчилардан бири Ш.Ҳайитов қуйидаги кўрсатув берди: “2010 йил 8 апрелда йўлга чиқишимизни эшитиб, Қамаши тумани марказидаги “Хунарманд” савдо маркази олдида бордим. У ерда Наврўз, Ёртепа ва туман марказидан Россияга кетувчи 13 нафар киши тўпланиб турарди. Нави Қўшшаев билан хотини Нитора Қурбонова болаларнинг олдида қелиб, иш жойидagi шaroитларни яна бир марта мақтаб, у ерда ўғиллари: Равшан, Рустам ва Раҳимлар ишлаётганини, бу ердан борадиганларни Равшаннинг ўзи кутиб олиб, ишга жойлаштиришини тўшунтиришди.

Авал микроавтобуста Қарши шаҳрига, ундан кейин Хоразмга бордик. Урганч шаҳрида бизни Н.Қўшшаевнинг таниши Рустам исми киши кутиб олди. Сўнгра “Форд” русумли машинада 5 кун

йўл босиб, керакли манзилга етиб бордик. У ерда Ўзбекистондан бориб, қурилишда ишлаётган чамаси 60-70 киши бор эди. Улар ким орқали борган, маоши қанча, биз билмасдик. Бир ой ишлаганимиздан кейин Равшандан иш ҳақимни сўрадим. У “Иш ҳақининг отамга жўнатдим. Отам уйларингга олиб бориб беради”, деди. Яна бир ой ўтгандан кейин шу масала бўйича Равшанга мурожаат қилган эдим: “Бераман, ишлайвер”, деди. Шу орала иш жойимизга бир неча мартаба милиция ходимлари келишди. Ҳар сафар улардан қўчиб қўтулдим. Лекин охири бир марта қўлга тушдим”.

Шу воқеалардан кейин Шўхрат Ҳайитов ўзининг қўл қилиб ишлатилаётганлигини англаб, уйига қайтиш тарадудига тушади. Шунда Равшан Қўшшаев 19 кишининг паспортини қайтариб бериб, машина чақирганини айтиди. Шўхрат ундан 2 ойлик иш ҳақини беришини сўраганда, жавоб қисқа бўлди: “Келиш-кетish йўл пулинига ҳисобладим, менда бошқа ҳақинг қолмади”. Кейин у “Агар бориб ички ишлар бўлимига арз қилсанг, ўзингдан кўр”, дед пулсиз қўлади.

Хуллас, одам савдогарининг қармоғига илинганлар “Газель” автомашинасида 6 кун йўл юриб, қадрдон юртлари — Қамашига етиб келадилар.


Шўхрат Нави Қўшшаевдан 60 кунлик иш ҳақини (қўшимча сотатири билан) сўраб бормида, “Ўғлим Равшан келгандан кейин олсан”, дед қисқа жавоб қилади. Орала маълум вақт ўтиб, у пулини (400 АҚШ доллари) сўраш учун яна унинг олдида боради. Бу сафар “Бермайман, қўлингдан келганини қил”, деган жавоб эшитилади.

Зуравонлиқни қаранг-а! Қаред а яшاپсан? Ҳуқуқий демократик давлат қуриш сари борётган бизнинг мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини шу даражада топташ мумкинми? Йўқ, адолатли қонунларимиз бунга йўл қўймайди.

Судда Нави Қўшшаев ўзининг бошқа “қуроли”ни ишга солди. Ўзига қўйилган айбга икдорлик билдирмай, жабранувчиларнинг ҳақмасини таниса-да, уларни Россияга юбормагани, ҳеч қандай иш еки пул ваъда қилмаганини айтиб, “жабрланувчилар менга тўхмат қилишптилар”, деб туриб олди. Ўғуски тергов органи унга қўйган айб ўйлаб топилган ва тўхмат эмish. Аммо судда судланувчининг айби жабранувчилар ва гувоҳларнинг судда ва тергов давомида берган кўрсатмалари, жабранувчиларнинг аризалари, тўшунтириш хатлари, гувоҳларни сўроқ қилиш ва юзлаштириш баённомалари, далолатномалар ҳамда жиноят ишида тўплаган бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланди.

Ўқоридагиларга асосланиб, жиноят ишлари бўйича Қамаши туман суди қарзиди ва паст ниятда одам савдоси билан шуғулланган Нави Қўшшаевга қонун доирасида муносиб жазо тайинлади.

Уйлаيمизки, ушбу воқеалар тафсилоти билан танишган фуқароларимиз хўшёр тортадилар. Орамизда Нави Қўшшаев каби тубанлик ботқонига ботган, пул учун иймонини ва виждонини сотадиган кишилар ҳам борлигини англаб, бу нофадалги фирибгарларнинг алдовларига учмайдилар. Ақд ва фаросат билан иш тутадилар.



Стажёр адвокатнинг найранглари

О. МАҲМУДХОНОВ,

СВОЖДЛҚК Департаментининг

Жиззах вилоят бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

Қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчи демократлаштириш ва либераллаштириш мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан биридир.

Бугунги кунда мамлакатимизда суд жараёнида прокурор ва адвокатнинг тенглиги, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Айниқса, 2008 йилда “Адвокатура институти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борада муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қонунга мувофиқ, ҳимоячи жиноят ишини юриштишга маъсул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслардан мутлақо мустақил равишда жиноят иши процессининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилгани эътиборга сазовордир.

Қонунда адвокатнинг профессионал фаолиятига тўққинлик қилиш, унинг ҳимояси остидаги шахсга нисбатан позициясини ўзгариштириш мақсадига ҳар қандай шаклда таъсир ўтказишга қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланганини эътироф этиш зарур. Аммо гуруҳ курмасиз бўлмайди, деганларидек мана шундай яратилаётган имкониятлардан унмлли фойдаланиш ўрнига товламачилик қилиб, адоват деган номга доғ туширувчи қимсалар ҳам учраб турганлиги ачинарли ҳолдир. Бундай ҳолатга қуйидаги мисолда гувоҳ бўлишимиз мумкин.

“Амир Тему” адвокатлик фирмасида стажёр адвокат вазирадасида фаолият юритаётган У.Иргашев, Жиззах шаҳридаги Тошлоқ маҳалласида жойлашган аёллар гўзаллик салоҳида таниши Д.Қурбонанинг фуқаро Ш.Турсунов томонидан ҳақоратланганлигини эшитиб қолади-да, унинг уйига бориб, акиси А.Турсуновга уқиси Д.Қурбоновдан кечирим сўраши лозимлигини тайинлайди.

Шундан сўнг, ака-ука Д.Қурбонова иш ўрғанаётган аёллар гўзаллик салоҳида бориб, адоват қарорлангани учун кечирим сўраган вақтларида У.Иргашев ҳам етиб келади. Ҳам томонидан Д.Қурбонанинг номидан ёзилиб, сохташтирилган аризани ака-укаларга кўрсатади-да, “Буни ўқиларинг, аризани ички ишларга топираман. Сен ҳарбий хизматга вазирадасидан ажралсан. Бундан ташқари, 2 млн. сўм миқдориди жарима тўлайсан”, деб қўрқитиб, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланади.

Шундан сўнг У.Иргашев ака-ука А.Турсунов ва Ш.Турсуновларнинг қўрқиб қолганликларидан фойдаланиб, Д.Қурбонанинг номидан ёзилган аризани тинчитиш йўлини ўргатишини маълум қилади ва уларга ўзи фаолият юритадиган “Амир Тему” адвокатлик фирмасига боришини тайинлайди.

А.Турсунов уқасига нисбатан салбий ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш учун ҳамда ваъдага вафо қилиб, фирмага келади. У.Иргашев уни қўрган захоти Д.Қурбонанинг номидан ёзилган ариза нухасини кўрсатиб, аризанинг асл нухасини “Бахтиёр” исмли прокуратура ходимига берганлигини, агар 250 минг сўм пул олиб келмаса, уқиси ишдан бўшаши ва содир этган беэзорлиги учун қаламлиб кетишини айтиб қўрқитади.

Илоҳисиз қолган А.Турсунов охири тегишли органга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Унинг аризаси юзасидан СВОЖДЛҚК Департаментининг Жиззах вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда, “Амир Тему” адвокатлик фирмаси стажёр адвокати У.Иргашев ўзининг хизмат хонасида фуқаро А.Турсуновдан 250 минг сўми олган вақтида ушланади.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Урал Иргашевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилади. Урал Иргашевнинг жиноий қилмишини қўриб чиққан суд ҳайъати уни 2 йил муддатга адвокатлик идоралари тизимида мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда унга энг кам иш ҳақининг 60 баравари миқдориди жарима жазоси тайинлади.

Беғубор кўнгил



саволларга эринмай, батафсил жавоб беради. Бошқа биров эринчоқлик қилиб, уларнинг қизиқшларига бефарқлик қилади...

Баъзи кишилар боланинг бирор ноқўя хатти-ҳаракатини кўрганда, "ҳа, энди... бола-да!", дея қўя қолади. Холбуки, ёш ниҳол каби эгилувчан бўлган фарзандларимизга қандай тарбия берсак, шундай самара кўрамиз.

Мактаб учун ўқув қуроллари харид қилиш мақсадида бозор-га бордик. Сотувчи аллақандай сериал ва бадбашара мультфильм қаҳрамонлари тасвири тўширилган турфа хил дафтарларни олдимизга териб қўйди.

— Алломаларимиз тасвири, ибратли сўзлари бор дафтарларингиз йўқми? — сўрадим ундан.

— Хариддорлар бундай дафтарларни олишавермайди. Мана шунақасига талаб кучли, шундан келиб чиқиб товар олиб келамиз-да... — дея жавоб қилди сотувчи.

Бир қарашда сотувчи ҳақдек. Ота-она фарзандини эзгуликка, меҳр-оқибатга ундовчи пурмаъно ҳикматлардан ва қадриятларимиздан ўз ўтириб, қарбга тақдидан қарчамаётган, уялмётган бўлса, унда нима айб?! Фойда илинжида фалон пулга маҳсулот олиб келса-ю, уни хариддор сўрамаса, бундан ёмони борми? Бировнинг боласи, унинг маънавияти-ю, дунёқарашидagi ўзгаришлар билан неча пуллик иши борми?

Шулар ҳақида ўйлар эканман, яна бир хунук манзара кўз олдимга келди. Дугонам билан қизига совға олиш баҳона дўконга кирдик. Олти ёшли қизчага мос ўйинчоқ излашга тушдик. Очигини айтганда, анча айланган бўлсак-да, кўнгилга ёқадиган муносиброқ ўйинчоқ топилмади. Унисини у дейди, бунисини бу...

— Қанақасидан олмоқчисан ўзи? — сўрадим ниҳоят тоқатим тоқ бўлиб.

— Қўғирчоқ олиб беринг, дейётганди... Тўзқроғи учра-маяпти...

Ниҳоят, биттасини танлади. Аслида уни ўйинчоқ ҳам деб бўлмайди. Бир парча матоғина қўйлақча вазифасини ўтамоқда. Кўзлари-ю лабларига бўёқ чаплаган...

Дугонамга эътироз билди-моққа чоғландиму, тилимни

уни тушунамизми?

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Нуқид»

тишладим. Аслини олганда, бутун бошли катта дўконда яхшироқ қўғирчоқнинг ўзи йўқ, барисида дуркун, балогатга етган қизчалар аксини кўрасан киши... Миллийлик уфуриб турган қўғирчоқ ҳақида хаёл қил-маса ҳам бўлади бу ерда. Дугонам ялтироқ қозғога ўратаётган қўғирчоққа қараб туриб сесканиб кетдим. Бугун ажаб-товур кийинган, бўянган қўғирчоқларни ўйнаётган қизалоқ, эртага ўзи ҳам ана шундай кийинишни, бўянишни истаб қолмасмикан?!

"Бола азиз, одоби ундан азиз", деган нақл замирида бир олам маъно мужассам. Болаларнинг барча хоҳишларини бажо келтириш эртага ўзимизга қийинчилик туғдирмасмикан? Шу ўринда кўнгилдан яна бир мулоҳаза кенди. Хўш, болалар совуқ ўйинчоқларни ўйнамасликлари учун биз катталар уларга нима қилиб бера-миз? Ўзига жалб этадиган, маънавий озуқа берадиган фойдали машғулотлар турини қўпай-тириш ҳақида ўйлангиларми?

Болаларни келажакимиз, эртанги кунимиз воқислари, деб атаймиз. Аммо уларнинг бугунги ўй-хаёллари, оруз-интилиш-лари билан ҳар доим ҳам қизи-қавермаймиз. Сир эмас, ҳозир-ги кунда ақсарият болалар теле-визор қаршисига "михланиб" қолган. Эрта тонгдан тунги дас-тургача барча кўрсатувларни қолдирмай томоша қилишади. Ота-оналари айтиб беришга

вақт тополмаган эртақ ва риво-ятларни телевизордан эшита-ди, тенгдошларининг ҳаётидан, машғулотида хабардор бўлади. Турли ўйинларни ўрганади, бу яхши, албатта. Бироқ масала-нинг иккинчи томони ҳам бор-ки, бунинг оқибатини ўйлаш ҳам дилларни ачиштиради. Телеви-денида фақат ва фақат бола-ларбоп кўрсатувлар берилвер-майди, ахир!

Яқинда болаларбоп кўрсатув намоиш этилаётганда бир нарсаси мени ажаблантирди. Экрандаги болалар гарб либос-ларидан андоза олиб тикилган турли-туман ажабтовур, антиқа ва ҳатто бачкана либосларни намоиш этишаётганди. Қизик, ўзбекиона кийимлар яратилган кўра чет эл либосларига тақ-лидига неча бунчалар устун қўймасак?!

Бу билан болаларнинг кий-инишини қоралаш, бу бора-даги изланишларга чегара тортиш фикридан йироқман. Фақат аввало ўзига хосликни, миллийликни теран тушуниб, кейин ўзга халқларга тақдир қилишга яхши бўларди, дей-ман-да!

Хулоса ўрнида айтганда, бола тарбиясида нозик маса-лага эътиборлироқ бўлган маъ-қул. Чунки ниҳолни ҳар қанча бўлмасин эғиш мумкин, аммо куч-қувватга тўлғач, надомат чекиб ўтириш бефойда!



Бекорчиликдан жиноятгача бир қадам

(Давоми. Бошланғич 4-бетда)

Вилоят прокуратураси органла-ри воёга етмаганлар ҳақида-ги қонунлар ижросини таъ-минлаш устида мунтазам иш олиб боришмоқда. Таълим даргоҳлари ва дав-лат таъминотидаги муассасаларда бюджет маблағларининг сарфланиши, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, иж-тимоий муҳофазатга оид қонунчи-лик талабларига риоя қилиниши, мавжуд му-аммолар ўрганилиши, қонуний ҳал этиш чоралари қўрилимоқда.

Йилнинг биринчи ярмида 200 маро-таба текширишлар ўтказилиб, 4 минг-дан зиёд прокурор назорати ҳужжат-лари қўриланди. Қўпол қонунбузили-ши ҳолатларига нисбатан 49 та жиноят ишлари қўзғатилди. 26 млн. сўмлик моддий зарар ихтиёрий ундирилди. 16 нафар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқла-ри тикланди.

Бу борада келиб тушган 33 та ари-залар ҳал қилинди. Текширишларнинг

натияжаларига кўра 6 таси қаноатланти-рилди.

Мунтазам равишда дарсларни қол-дирган 100 нафардан ортиқ болаларнинг ота-оналарига Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекснинг 47-моддаси тар-тибда чоралар қўрилди. Олти ой мо-байнида коллеж ва академик лицейлар-ни битирган 8,5 минг нафарга яқин йи-гит-қизлар ишга жойлаштирилди. Воё-га етмаганларнинг меҳнати ва бандли-ги борасидаги қонун ижроси 4 маро-таба таҳлил қилинди. Уларнинг натижа-ларига кўра 10 та протест ва 11 та тақ-димнома киритилди.

Вилоят прокуратураси органлари касб-ҳунар коллежлари битирувчилари-ни ишга жойлаштириш борасида муай-ян ишларни амалга оширишмоқда. Ху-сусан, Езёвон туман прокуратураси то-монидан 10 нафар битирувчиларнинг "Узғорсуғурта" ДАСКга ва "Сувоқава" ишлаб чиқариш корхонасига ишга жой-лаштирилиши таъминланди. Вилоятда

2009-2010 йилларда ўрта-маҳсус билим юр-тларида ўқишни тамомлаган 42 142 нафар битирувчиларнинг 37 450 нафа-ри ёки 89 фоизи ишга жойлаштирил-ди. 658 нафари олий ўқув юр-тларида тахсил оляпти. 646 нафари доимий яшаш учун хорижга қўйиб кетган. Турли сабабларга кўра 3 335 нафари ҳозирча муҳим иш жойига эга эмас. Уларни ҳам иш билан таъминлаш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

Воёга етмаганларнинг соғлиқларини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик иж-роси 8 мартаба ўрганилди. Уларнинг на-тижалари бўйича 133 та прокурор на-зорати ҳужжатлари қўлланилиб, қонун-бузилиши ҳолатлари бартараф этилди. Фуқаролик судларига 3,7 млн. сўмни ундириш юзасидан 6 та даъво ариза-лари киритилди.

Бағдод туман прокуратураси таша-буси билан ташкил этилган "Ёшлар мар-казида" тўғрақлар билан бирга тиббий қўрик хонаси ҳам фаолият кўрсатяпти.

Ҳомийлар маблағлари ва банк креди-ти ҳисобига тикувчилик, зардўзлик, кан-долатчилик дастгоҳлари, компьютерлар билан жиҳозланган марказда 15 нафар фуқаро ишли бўлди. Кунига 15 нафар ўсирларни тиббий қўрикдан ўтказиш, 50 нафар болаларга тўғрақларда касб-хунар ўргатиш йўлга қўйилди.

Болалар қаровсизлиги ва назорат-сизлигининг олдини олиш тўғрисида-ги ҳақда соҳага оид бошқа қонун ҳуж-жатлари юзасидан ўтказилган текши-ришлар натижаларига кўра 970 дан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлла-нилди. Воёга етмаганлар томонидан содир этилган жинсий қилмишларнинг билвосита сабабларидан бири айнан қаровсизлик, назоратсизлик, бекорчи-лик бўлиб, жойларда ўтказилаётган уч-рашув ва суҳбатларда ўсмирларнинг бўш вақтларини фойдали машғулотлар билан банд этиш борасидаги ишлар-ни янада қўчайтириш юзасидан йўл-йўриқ ва тавсиялар берилмоқда.



Юрт тинчлиги учун

Тарихан қисқа бир даврда юртимиз улкан ютуқларни қўлга киритди. Ана шундай ютуқларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган прокуратура фахрийси Зоҳид Ҳасанов табарруқ 80 ёшни қаршиламакда.

У киши меҳнат фаолияти давомида Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тизимида туман прокуратураларининг терговчиси, прокурор ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, вилоят ва шаҳар прокуратураларида бўлим прокурори, Қарши ҳамда Зомин туман прокурорлари лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Зоҳид Ҳасанович 40 йилга яқин умрини мамлакатимизда эл-юрт тинчлиги ва оқсоқчилигини таъминлашдек масъулиятли ҳамда шарафли вазифага бағишлади. Энг муҳими, у қаерда ва қандай лавозимда ишлашдан қатъи назар, ҳамisha билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида эътибор қозонди.

Зоҳид Ҳасановнинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Зоҳид Ҳасанович, табарруқ 80 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сihat-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик, файзу барака тилаймиз. Дўстларингиз, шогирдларингиз, фарзандларингиз ва набираларингиз бахтига доимо омон бўлинг!



Ҳамкасблар эҳтироми

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда мавжуд имкониятлардан умумий фойдаланган, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ўз меҳнатларини аямаган инсонлардан бири прокуратура фахрийси Дмитрий Луценко кўтлуг 70 ёшни қарши олмакда.

У Хоразм вилоят прокуратураси тизимида вилоят прокурорининг ёрдамчиси, Хоразм вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, Урганч шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси лавозимларида самарали меҳнат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Дмитрий Павлович меҳнатсеварлиги, теран билими, қонунбузилишларга муросасизлиги, ҳамкасбларига самимийлиги билан ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлди. Ишлаш даврида жамоа ҳодимларига нисбатан талабчан, ҳамфирқ, ўз соҳасида ҳам, жамоат ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди.

Дмитрий Павловичнинг шогирдлари бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот органлари тизимида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Унинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Дмитрий Павлович, табарруқ 70 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сihat-саломатлик тилаймиз. Умрингиз зийда бўлсин!



Эъзозга муносиб

Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва эл фаровонлигига муносиб улуш қўшган самимий ва камтарин инсон, прокуратура фахрийси Ортықбой Қосимов табарруқ 70 ёшни қарши олмакда.

У иш фаолиятини Тошкент вилояти ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тизимида, туман прокуратураларида терговчи, прокурор ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, катта терговчиси, Бош прокуратура бошқармасида катта терговчи, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи ҳамда бўлим бошлиғи лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ортықбой Қосимович 36 йилга яқин умрини мамлакатда эл-юрт тинчлиги ва оқсоқчилигини таъминлаш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга бахшида эътиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди. Меҳнатсеварлиги, кўп йиллик амалий иш тажрибаси, билими, шогирдларига бўлган ғамхўрлиги билан ҳамкасблари ҳурмати ва эъзозига сазовор бўлди.

Садқотат ва матонат билан қилган меҳнатлари ҳуқуматимиз ҳамда Бош прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, "Ҳурмат белгиси", "II даражали шон-шараф" ордени, "Меҳнат фахрийси" медали ва "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ушбу шодиёна кунда Сизга ва оила аъзоларингизга сihat-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази

Икки ўйин ва 4 очко

Куннинг илк кунларидек ўзбек футбол мухлислари катта ҳаяжонни тақдим этди. Сабаби Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати йўналиши юришини бошлади. Дастлабки ўйин ён қўшниларимиз Тожикистон термасига қарши бўлди.

Аввалига терма жамоамизнинг қайси йўналиш бўйича парвоз қилиши номаълум бўлиб турганди. Негатив, Сурия терма жамоаси азбоси Жорж Мурод билан боғлиқ масала кимнинг фойдасига ҳал бўлишини кутишга мажбур эдик. Якунда Сурияга техник мағлубият эъзилиб, уларнинг ўрнига Тожикистон гуруҳимизга қўшилди. Бу ўйин атрофида турли хил таҳминлар кўпайгандан-кўпайди. Домно ён қўшнилар ўртасидаги баҳс, футбол тили билан айтганда "дербий" жиқдий ва кескин ўйинларни тақдим этди. Гарчи Тожикистон терма жамоаси Вадим Абрамов шогирдларидан анчагина кучсиз кўринса-да, айнан биз билан бўладиган ўйинда қўшниларимиз тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатишини таҳмин қилиш қийин эмасди. Шундай ҳам бўлди. 2 сентябрь кунги Турсунзодадаги "Металлург" стадионида Тожикистон термасига қарши майдонга чиққан Ўзбекистон терма жамоаси жиқдий қаршилиққа дуч келди. Бутун ўйин давомида мезбонлар ҳимоялангани. Бунинг натижасида эса вакилларимизнинг ҳужумлари рақиб жарима майдони яқинида узилиб қолаверди. Бундан ташқари, футболчиларимиз ярим куч билан ҳаракат қилгандек кўринди. Сабаби, Вадим Абрамов шогирдларини 6 сентябрь кунги сўнгги Осиё чемпионлари — Японияга қарши ўйин кутиб турарди. Аммо мақсадимиз Бразилияга бориш экан, ҳар бир учрашувда рақибдан очко тортиб олиш талаб этилади.

Бунинг яхши хис қилган терма жамоамиз аъзолари нима қилиб бўлмасин илк учрашувда уч оч-

кони қўлга киритишнинг улдасидан чиқишди. Ўйиннинг 72-дақиқасида мезбонлар ўз жарима майдонлари ичида Александр Гейнрихга нисбатан кўполик ишлатишди. Учрашувни бошқариб бораётган ҳакам Тан Хаи ҳеч иккиланмай 11 метрлик жарима зарбаси белгилади. Пенальти амалга ошириш терма жамоамизнинг тажрибали футболчиси Максим Шацкихга ишониб топширилди. Шацкихнинг зарбасини аввали дарвозабон Алишер Тўйчиев қайтаришнинг улдасидан чиқди. Бироқ рақибдан илдамроқ ҳаракат қилган вакил-

ЖЧ 2014 Сўнгги баҳслари — ОСИЁ							
№	С	Гуруҳи	У	Ю	Д	М	Т-Н
1	Япония	2	1	1	0	2-1	4
2	ЎЗБЕКИСТОН	2	1	1	0	2-1	4
3	ҚХДР	2	1	0	1	1-1	3
4	Тожикистон	2	0	0	2	0-2	0

ларимиз дарвозабондан қайтган тўпта биринчи бўлиб етиб келишди ва Шацких барибир ўз ниятига эришди. Шу тариқа вакилларимиз минимал ҳисобда ғалаба қозонди, 3 очкони қўлга киритишди.

ТОЖИКИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН 0:1

Иккинчи ўйинда бизни жуذا жиқдий рақиб кутиб турарди. Шубҳасиз Япония бутунги кунда Осиёнинг тенгсиз жамоаси. Деярли 90 фонтс футболчилари Европа жамоаларида тўп сурайдиган японларга қарши бўладиган учрашувнинг осон бўлмаслиги аниқ эди. Бундан ташқари,



кун чикар юрт вакиллари биз учун доимо нуқул рақиб саналишган. Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, шу пайтгача Ўзбекистонлик футболчилар японлар билан 7 маротаба тўқнаш келишган ва шуларнинг 2 тасида бир хил 1:1

чида, ҳозирги Ўзбекистон терма жамоаси ҳар қачонгидан кулироқ таркибга эга. Иккинчидан, японларнинг етакчи футболчиси ҳисобланган Хонда жароҳат тўғайли учрашув қайдномасига киритилмаган. Учинчидан, терма жамоа аъзолари мухлислари кўз ўнгига сўнгги Осиё чемпионларини мағлуб этишни чин дилдан истаганди. Туртинчидан, вакилларимиз ўз майдонларида, стадионни тўлдириб, уларни қўллаб-қувватлаб турган мухлислари қаршисида тўп тепди.

Ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ Вадим Абрамов шогирдлари тезкор гол уриб олиш тараддудига тушибди. Бу нарсатез орада ўз самарасини берди. Аввалига Темур Копалденинг зарбаси дарвоза устунига тегиб

қайтди. Сал ўтмай чап қанотта ўтган Александр Гейнрих рақиб ҳимоячиларини бироз эсанқиратиб, сўнг тўпни жарима майдонига узатди. Рақиб жарима майдонидан терма жамоамиз сардори Темур Копалде боши билан қайтарган тўпни ерга туширмай тепди ва ҳисобни очди. Ўйиннинг 8-дақиқасида 8-рақамли футболчимиз ҳисобни очди. Шундан кейин меҳмонлар ташаббусни ўз қўлга олиб, ҳисобни тенглаштиришга ҳаракат қилишди. Вакилларимиз эса тўпни ўзларида кўпроқ ушлаб туриб, рақиб босимини пасайтиришда ҳамда тезкор ҳужумлар ташкил этишди. Бироқ биринчи бўлимда дарвозаларга бошқа тўп киритилмади.

Иккинчи бўлим ҳам биринчи каби шиддатли бошланди. Гоҳ у, гоҳ бу жамоа ҳужумга ташланарди. Ҳар иккала жамоада ҳам гол уриш учун қўллаб имкониятлар бўлди. Масалан, Олид Аҳмедов Темур Копалдени дарвозабон билан бирга-бир вазиятга чиқарди. Аммо Темурнинг зарбаси ўшамасди. Табиийки, кун чикар юрт вакиллари мағлубиятга осонликча қўналдиган хилдан эмас. Бунинг улдасидан ҳам чиқишди. Ўйиннинг 65-дақиқасида ўтиб бораётган бир вазиятда Оказки боши билан Нестеров дарвозасини ишғол қилди. Ҳисоб тенглашгандан кейин вакилларимиз яна барчасини бошидан бошлашга уриниб қўришди. Санжар Турсунов ажойиб тўп ошириши билан Жепаровни дарвозабон билан бирга-бир вазиятга чиқарди. Бу сафар энди Сервернинг зарбасини дарвозабон қайтарди. Шу тариқа ўйин сўнгига қалар 1:1 ҳисоби ўзгармай қолди. Бу сафар ҳам японларни мағлуб эта олмадик.

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ 1:1

Гол: Жепаров (8) — 1:0, Оказки (65) — 1:1

Ўтганларнинг охирати овод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази ҳамда Жиззах вилоят прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси

Худойберди ГУЛБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy GOIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftanang payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko' chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma J-2648. 51 890 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Mushahhir: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHONOV

Bosmaxnonga topshirish vaqti: 22.00.
Toshpindir: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda O'188-raqam bilan ro' yztaga olingan.

